

АБДУЛАХАД
МУҲАММАДЖОНОВ

94
М-96



ЯХЁ ҒУЛОМОВНИ
ХОТИРЛАБ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач	

ООО «Чирчикская городская типография» За. 497-4006

АБДУЛАХАД МУХАММАДЖОНОВ

ЯХЁ ҒУЛОМОВНИ ХОТИРЛАБ

(Ўқувчиларга устозимиз ҳақида)

Сират



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2008



Академик Яхё Гуломовнинг 100 йиллигига
бағишланади.

Тақризчилар:

ЎзРФА академиги т.ф.д. С. Азимжонов
ЎзРФА академиги т.ф.д. Х. Шониёзов

Ушбу рисолада ўзбек археология фанининг сарлори, атоқли қому-
сий олим, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси,
Республикада хизмат кўратган фан арбоби, тарих фанлари док-
тори, профессор Яхё Гуломовнинг кўп қиррали ибратли ҳаёт йўли,
қадимги Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Навоий, Жигзах ва
Тошкент вилоятларида олиб борган самарали археология изланиш-
лари ва яратган илмий асарлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Шу билан бирга рисолада ўзбек халқининг маънавият ва мад-
ниятини бебаҳо манбаи ҳисобланган археология ёдгорликларини сақ-
лаш ва уларнинг моҳиятини нақадар буюклигини англаш йўлини
мутасил олиб борган амалий ишлари ҳамда тарбиялаб, вояга етказ-
ган шогирдлари, яратган ўзбек археологлари мактаби тўғрисида сўз
юритилади. Китебхон рисола саҳифаларидан бағри кенг устоз ва
ватанпарвар мураббий қандай фазилятлар соҳиби бўлиши керакли-
гини билиб олади.

Рисола кенг китебхонлар оммасига мўлжалланган.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акшндорлик компанияси
Беш тахририяти, 2008 йил



Мен академик Яхё Гуломовни яхши
билардим. У мустақил фикрга эга
бўлган, керак бўлса, энг юқори лаво-
зим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни
дадил айта оладиган олим эди. Тарих-
чилар яхши биладилар, одатда тепа-
ликлар қатрида тарихий обидалар, бу-
тун бир шаҳар ястанган бўлади. Шўро
даврида фақат томлардагина пахта
экилмай қолган бир пайтда ана шун-
дай тарихий тепаликларни ҳам те-
кислаб, пахта даласига айлантириш
сийсати авж олганда бунга қарши
чиққан олим Яхё Гуломов бўлганини
мен яхши эслайман. Бу фазиляти ту-
файли тазйиқ кўрганини ҳам эшит-
ганман. Лекин адолатни ҳамма нар-
садан устун билган, ватанпарвар одам
шундай бўлади. Ана шундай одамлар
ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи
лозим.

Ислом КАРИМОВ

ВОЛИДАМ — УСТОДИ АВВАЛИМ

*Устоди аввалимдир волидам,
ҳисоби «абжад» саводида*

Яҳё Ғуломов

Буюк ақл кишилари билан мулоқотда бўлиш, уларнинг илм-фан сарчашмасидан баҳра олиш, инсонийлик фазилатларини ўрганиш қалбга лаззат, руҳга қувват беради. Шу боисдан бўлса керак, донолар буюк ақл кишиларининг қалбини дурдоналарга тўла денгиз тубига қиёс қилишади. Қалб қаъридаги бебаҳо бойликларни ардоқлаб, уни халқ хазинасига қўшиб, кўпчилик оммага етказиб бериб, ундан авлодларни баҳраманд қила олган ажойиб ижодкор инсон ҳамиша элда эъзозланади ва эҳтиром билан тилга олинади. Биринчи ўзбек археологи — Яҳё Ғуломов ана шундай зоти шариф кишилардан эди.

Яҳё Ғуломов 1908 йил 1 май куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳасидаги Оқмачит маҳалласида мадраса ўқитувчиси оиласида дунёга келди. Унинг отаси Ғуломхон маҳсум ўша вақтларда Тошкентнинг машҳур Хўжа Аҳрор мадрасасида мукарирлик (мударрис — ўқитувчига ассистент) вазифасини ўтар эди. Онаси — Сорахон мактабдор эди. Ғуломхон маҳсумнинг олти фарзанди (Эшонхон, Одиқори, Яҳё, Саид Аҳмад, Акромхон ва Рокия) бўлиб, опасидан етим қолган туртти ёш жиянлари ҳам унинг қарамоғида эди. Мукарирлик учун Хўжа Аҳрор мадрасасининг вақфидан йилига бериладиган 300 танга (дахяк — маош кунига у 0,8 танга, яъни 16 тийинга тўғри келади) рўзгор тебратишга аранг етарди. «Мана шу сабабдан бўлса керак, рўзгорни тебратишда отамизга бир оз енгиллик бўлармикини деган мақсадда онамиз маҳалла қизларини саводга ўртадиш учун ҳовлимизда мактаб очган эканлар», — деб эслайди Яҳё Ғуломовнинг укаси профессор Саид Аҳмад Ғуломович. Сорахон ўтқир зехн эгаси бўлиб, қарин-

дош-уруғ ҳамда маҳалла-қўйда энг баобрў ва саводхон аёллардан ҳисобланар эди. Катта ёшдаги ҳаммаҳалла-лари бу оқила аёлни Сорахон отин деб аташса, ёшлар отинини дейишарди. Қариндош-уруғ, маҳалла кўйининг тўй-ҳашами ва маъракаси Сорахон отиннинг маслаҳатсиз ўтмас эди. «Онамиз оилада катта нуфузга эга бўлганлар, — деб ҳикоя қилади Саид Аҳмад Ғуломович, — тўй-ҳашам ёки бирор маърака билан боғлиқ бўлган оилавий масалаларни ҳал этишда отамиз онамизнинг маслаҳатларига катта эътибор берардилар».

Сорахон отин нихоятда ғайратли ва меҳнатсевар аёл эди. Ички ва ташқи ҳовли ҳамда бир-бирига ёндошган икки майдондан иборат бу даргоҳнинг кундалик ҳўжалик ишлари отинининг гарданида бўлиб, Ғуломхон маҳсум йил ўн икки ой мадрасада муллаваччалар билан банд бўлганиданми... ҳўжалик ишларига у деярли аралашмасди. Ҳар икки майдонда ток, олма, ўрик, нашвати, беҳи, шафтоли, гилос ва ўн беш туپ қашшоқ ўтқазилган бўлиб, Сорахон отин фарзандларини ёнига олиб, кузда тоқларни кўмдирав, баҳор келиши билан уларни очтириб кўтартирав, хомтоқ қилар, дарахтларни бутаб, қуриб қолганларини аралатиб, ўтин қилдирав, майдонни ағдартриб янги ниҳолларни ўтқазиб қаби ишларни ўзи бажарар эди. «Богдорчиликдан унча-мунча хабардор бўлсалар керакки, — дейди Саид Аҳмад Ғуломович, — мевали дарахтларни онамиз жуда яхши пайвандлардилар. Ёзда мевалар фарқлишганда Баланدمачит гузаридagi Шоқосим ва Шоумар баққолларни чақиртириб, тенг шерикликка солиб бериш шарти билан тердириб, гузардаги баққоллик дўконига олиб борар ва ундан тушган озми-кўпми даромад рўзгорнинг каму кўстига сарфланарди».

Ота ва онанинг саводхонлиги, хусусан Сорахон отинининг мактабдорлиги туфайли фарзандларининг аксарияти «саводи ибтидо»ни оилада олган эди. Шу жумладан Яҳё ҳам ҳовлисидagi мактабхонада опаси ёнида ўтириб онасидан аввал тахтачага ёзилган арабча 28 ҳарфли «алифбо»ни ёд олган, сўнгра «абжад» деб аталган турт амалли арифметикани ўрганган. «Онамиз ўзбек ва форс тилидаги китобларни ўқиб, мазмунига яхши тушунадиган ва уларни яхшигина талқин қила оладиган саводхон ва шоиртабиат аёл эди», — деб ҳикоя

ларига ҳайратомуз боқаркан, болаларининг тақдирини дан ниҳоятда мамнун эди.

«Намуна» мактаб-интернати Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ташкил этилган етти йиллик шўролар тарбия-мактабларидан бири ҳисобланар эди. У Тошкентда маорифнинг тараққиёти тарихида, айниқса, маҳаллий ўзбек зиёлиларининг катта гуруҳини тарбиялаб вояга етказишда маълум из қолдирган маскан эди. У ерда рус, ўзбек, татар ва турк муаллимлари дарс берардилар. Ўқув дастури ҳам бирмунча кенг эди. Юқори синфларда ижтимоият (тарих), жабр (алгебра), жуғрофия (география), табиёт (ботаника ва зоология), рус тили, расм, бадантарбия, хаттоғлик (каллиграфия) ва бошқа фанлардан сабоқ бериларди.

Яҳё Фуломов «Намуна» мактаб-интернатидаги устодларидан Лутфиллақори, Хатибзода, Исмоил муаллим, Ҳайдар Носирий, Акбар домла, Юсуф ва Эсон афандиларнинг номларини хурмат билан тилга олар эди. Ҳайдар Носирий ҳисоб фанидан, Юсуф афанди она тилидан, Акбар домла жуғрофиядан дарс берешар, айниқса, Эсон афанди Шарқ классиклари асарларини, ўзбек, озарбайжон, турк адибларидан Нозимий, Фузулий, Навоий, Лутфий ва Турдий, Номин Камол, Али Улвий асарларини ёддан биларди. Намуначи ўқувчиларнинг кўпида адабиётга ва шеърини қизиқиш уйғотган, шеърхонлик ва шеърга куй басталашнинг дастлабки усулларини ўргатган устоз — Эсон афанди бўлган.

Яҳё Фуломов тарбияланган гуруҳда Мусо Тошмуҳомедов (Ойбек), Абдулла Бобохонов, Исо Раззоқов, Фотиҳ Орифов, Ёқуб Алиев, Абдулла Раҳимов, Саидазим Усмонов, Буюк Каримов ва бошқалар таҳсил кўрган. Интернатда намуначиларнинг «Қуёш» сарлаҳали деворий газетаси мунтазам чиқиб турарди. Истеъдодли пешқадам ўқувчилар газета саҳифасида ўзининг танқидий мақолалари ва ҳажвиялари билан қатнашардилар. Ўша кезларда «Қуёш»нинг бир неча сониди Абдулланинг «Болалик» ҳамда «Кундош» номли ҳажвиялари эълон қилинган эди — деб хотирлаган тарихчи-этнограф Фотиҳ Орипов, — «Яҳёда ҳам ҳажини ёзишга бирмунча ишқибозлик бор эди, у бирор ноқаддан тўқинланиб кетса ёки бирор кимсанинг ноқад

латин-ҳаракати ёқинқирамай, ранжиб қолудай бўлса берми, дарҳол уларга бағишлаб ҳажвия ёзар ва унинг ёки деразагами, жавон дарпардаси ёки устунгани битиб қўйиш одати бор эди. Унинг «Булуллар», «Гуффи фолбин» ва «Гилам жаллоби» каби ҳажвиялари қани-ҳали ёдимда».

«Намуна» мактаб-интернатидаги Лабзак ариги бўйида эди Қошиқчилик маҳалласида Хидирхожибойдан муаллими қилиб олинган боғи бўларди. Боғнинг умумий майдони 15 тановча (3 га) келиб, унинг бир қисми тоқтор, иккинчи қисми ўрикзор ва олмасзор эди.

«Ёлти таътил бошланиши билан меҳнат мураббийсини ва отряд командири — човуш бошчилигида ўқувчилар боққа кўчиб ўтишар, боғда бостирма шаклидаги нағнага бир барак бўлиб, Абдулла Бобохонов, Исо Раззоқов, Буюк Каримов, Абдулла Раҳимов, Фотиҳ Орифов, укам Саид Аҳмад ва мен баракда бир қаторда яшамас эдик», — деб эсларди Яҳё Фуломов. Ёз пўни боғда ҳам ишлардик, ҳам дам олардик. Меҳнат мураббийимиз Юсуф афанди, отряд командиримиз Ботир човуш бўлиб унинг раҳбарлигида отряд довларакларни буташдан тортиб, тагини юмшатиш, суғориш ва мевасини териб интернат ошхона ва омборхонага топшириш каби юмушларни бажарарди. Тушгани ва кечки овқат тайёрлашда ҳам болалар фаол иштирок этиб, бири пиёз арчиб, уни тўғраса, бири гуруч ювар, бири ўчоққа ўтин қалаб, унга ўт қўйса, бири ўчоқнинг атрофини супулар эди. Оқшомлари болаларнинг ўзaro суҳбатлари-ю, драмтўғарак қатнашчиларининг машқлари, ёш созандачилар тўғарати аъзоларининг чолгу садолари, Мусо Тошмуҳамедовнинг ўз шеърларидан ўқиган декламацияси, айниқса, Буюк Каримовнинг завқ билан чалган ногорасининг садоси ошхонада Лабзакдаги интернат боғи ниҳоятда гавжумлашиб кетарди. Драмтўғаракнинг раҳбари Аброр Ҳидоятлов бўлиб, таътил вақтида у боққа тез-тез келиб турар ва дам олиш кунларида ҳовуз бўйидаги супада турли жанрлардаги кичик-кичик пьесаларни намойиш қиларди. Ўша кезларда «Лайли ва Мажнун» пьесасидан бир парда саҳналаштирилиб, Лайли ролини биринчи бўлиб намуначи болалардан Саидазим Усмонов ижро этган эди.

Юқори синф ўқувчилари учун энг завқли дамлар

богдан шимолроқда, майдонлар оралаб оқиб ўтадиган Калковуз анҳорига бориб чўмилиш ёки саёҳат қилиб тоққа чиқиш бўларди. 1920 йилнинг ёзида арифметика ўқитувчиси Хайдар Носирий раҳбарлигида намуначилардан бир гуруҳи Қирғизистоннинг Арашон тоғларига экскурсияга чиқишди. Бу сафарда Фотиҳ Орифов ва Яхё Фуломовлар ҳам қатнашган. Арашон тоғининг сирлари ёш Яхёда катта қизиқиш уйғотган эди, деб эслайди Фотиҳ ака. Бу осмон ўпар тоғ ўз бағрида қандай сиру асрорларни сақлаб келётган экан? Бу сирлар инсонга маълум эмасмикин? Маълум бўлса, қачондан бери, — деган саволлар билан ўқитувчининг бошини қотирарди.

1921 йилнинг август ойида интернат ўқитувчиларидан Али Ардобус, Юсуф Алиев ва Наби Ғаниевлар бошчилигида намуначилардан бир гуруҳи Самарқандга саёҳатга борадилар. Бунда Яхё Фуломов ҳам қатнашди. Бу сафар намуначиларда катта таассурот қолдиради ва уларда ўтмишдаги халқ меъросига бўлган қизиқишини ортиради.

Ёзги таътил кунларининг бирида Калковузда чўмилиб қайтаётган эдик, — деб хотирлайди Фотиҳ Орифович, — Яхё бизни Анҳордан юз қадамча берилар сувнинг чап соҳили бўйлаб йўналган баланд ва қилин нураган паҳса девор олдида бошлаб борди. Деворнинг юқори қисми емирилиб дўнглик ҳосил қилган, беллида устма-уст урилган паҳса қаватлари ажралиб турган бўлса-да, тепасида баҳорда кўкариб чиққан ўтлар қовжираб ётарди. Деворнинг қалинлиги 3—4, баландлиги 5—6, узунлиги 100 метр келарди. Бу иншоот ҳақида сўзлар экан, у Тошкентнинг қадимги қалъа девори қолдиқлари экани, нарироқда, Калковуз бўйига яқинроқ жойда шаҳарнинг Тахтапул дарвозаси бўлганини боғбон отадан сўраб билиб олганини айтган эди. Бу воқеа шубҳасиз ёш Яхёда моддий маданият обидларига нисбатан қизиқиш ҳали у мактаб-интернатда ўқиб юрган ёшлик йилларидаёқ пайдо бўлганидан гувоҳлик беради.

САМАРҚАНД ТАҲСИЛИ

*Илк муаллимдир Самарқанд илми
Афлук бобида.*

Эркин Воҳидов

Тошкентда мактаб таҳсилини якунлаган Яхё Фуломов ўқиниши давом эттириш ва олий маълумот олиш мақсадида Самарқандга йўл олади. Чунки бу даврда Самарқанд Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиб, илм ва маданиятнинг илк ўчоғига айланган эди.

1927—30-йилларда Ўзбек Давлат педагогика академиясининг ижтимоий ва иқтисодий бўлимининг талабаси Яхё Фуломов, Самарқандда очилган бу олий доруфунузда ўша даврнинг машҳур олимлари Бўлат Солиев, Муса Саиджонов, Василий Лаврентьевич Вяткин, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг лекция ва суҳбатларини тинглади, улардан сабоқ олди. Айниқса, профессор Бўлат Солиевнинг «Туркистон тарихи» бўйича ўқиган лекциялари қадимги ва Ўрта аср муаллифларининг асарларидан, Шарқ қўлёзмаларидан олинган буюқ фактик маълумотлар асосида тузилган бўлиб, Яхё Фуломов учун Туркистон халқлари тарихидан берилган дастлабки илмий билимлар эди.

Яхё Фуломов устози Бўлат Солиевни хотирлар экан, унинг араб, форс, рус ва туркий тилларини мукаммал билганини, Шарқ ҳуқуқи, фалсафаси, ахлоқи, тарихи, айниқса, Туркистон халқлари тарихининг чуқур билимдон олими сифатида таърифлайди.

Бўлат Солиев «Туркистон тарихи» бўйича ўқиган лекциялари хотимасида киши аввало ўз мамлакатини, шундан на туғилиб ўсган қишлоғининг тарихини яхши билишга даъват этарди. Тарих қадимий воқеаларга нисбатан бўлиб қолган. Тарих қадимий олим бўлишни истасангина бундан беш мутахассис учун тарихий асарларини билиш кифоя қилмайди. Шарқ қўлёзма асарларини ўқиб билиш эти билиш ҳамда осори атиқаларни ўрганиш

керак, қадимги тарихимизни тадқиқ этишда, айниқса, осори атиқалар очилмаган кўриқдир» — деган сўзлари қайта-қайта такрорлар эди. Бўлат Солиев айтган ушбу сўзларни таъсирими ёки тарихни ўрганишга бўлган иштиёқнинг зўрлиғими, Яхё Фуломовни Самарқандда олиб борган археологик қазилари билан ўша қандида шухрат топган шарқшунос олим ва ўлкашунос археолог В. Вяткин билан яқинлаштирди.

Яхё Фуломов В. Вяткин билан илк дафъа 1921 йилнинг ёзда намуначилар билан Самарқанд шаҳрига экспедиция борган вақтида учрашган эди. «Ўша вақтда бизни Кўшхўвус маҳалласида Усмон бойнинг ташқари ҳовлига жойлаштирдилар. Шунда Юсуф Алиев ҳузурига ёланд бўйли, кенг пешонали, тепа сочи тўкилиб кетган, кўзойнакли, 50 ёшлар чамасидаги рус киши келиб турар эди. Унинг оёғида таги қалин солдатча ботино, эгнида анча уринган, тахи ва рахидан ҳеч асар қолмаган оч сабза ранг мовут шим ва «толстовка» деб аталган тўрт чўнтакли каламинка кўйлак, бошида эса қалин фуражка эди. Қўллари темирчи усталарникидек сертомир, бармоқлари тердан ёрилган ва жуда йирик эди. Дарвозадан кириб келишидан оқ унинг оёқ товуши ҳаммани ўзига жалб этар, у ҳаммага илтифот билан эсон-омон ўтирибсизларми, кайфиятчиликми?», деб баъзи болаларга тегишиб ҳам кўяр эди. Бизнинг эскируиямизни ташкил қилиб юрган самарқандлик бир ўқувчидан бу одам тўғрисида сўраганимизда — Самарқанд ҳарбий губернаторининг муовини бўлиб ишлаган миссионер Вяткин шу бўлади деб, уни бизга олабди қилиб танитди ва биз уни ёқтирмадик, у билан ҳисҳабат бўлган Юсуф Алиевни ҳам ёмон кўрдик».

Яхё Фуломов 1921 йил таассуроти билан юрганиданми ёки билим юртида талабалик йилларида татар ва озаббайжон тилларида нашр этилган тарихий асарларни, айниқса, Г. Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китобини ўқиб орттирган билими туфайли ўзини кучли тарихшунос сифатида ҳис қилганидими, даставвал В. Вяткиндан кўп нарсга ўрганишга ишонқирамади. Ҳатто унинг дарс беришига нозир бўлиб бир гуруҳ студентлар билан институт директори, профессор Меркуловичга мурожаат ҳам қилди. «Бизнинг В. Вяткингга нисбатан кайфиятимиздан

огоҳ сиёсий иқтисод ўқитувчимиз Отажон Ҳошимов мени ва бир нечта студентларни директор кабинетига чақириб В. Вяткиннинг ўтмишидаги ва ҳозирги хизматларини мақтаб унинг чинакам олим ва актив ватанпарвар эканлигини уқтирди. Биз у ердан таъоман бошқача бўлиб чиқдик». «Мен В. Вяткинни хотирлар эканман, унинг бир шогирди, аввал уни ёмон кўриб, кейин ихлос қўйган фан арбоби сифатида хотирлайман» — деб ёзган эди Яхё Фуломов.

В. Вяткин ўзбек, тожик ва форс тилларини яхши биларди. Олим XV—

XVI асрларда вайрон бўлиб, тепа шаклини олган Улуғбекнинг машҳур расадхонаси ўрнини аниқлаб, уни излаб топган ва қазиб очиб ўрганган, кичик ҳажмда бўлса-да, Афросиёбда археологик қазилар олиб бориб, унинг сирларини очишга қўл урган ҳаваскор археологлардан бўлган. Яхё Фуломовнинг таърифлашича, В. Вяткин кителининг икки киссасига Афросиёб ва Самарқанд атрофидан топилган қадимги мис ёки қумуш тангаларни со-



Яхё Фуломов ўзбек Давлат педагогика академиясининг талабаси (1928).

либ юриш одати бор эди. Йўл-йўлакай улардан бирини олиб, бармоқлари орасида ишқалаб, зангини артиб, олд ва терсидати ёзув ва белгиларни (зарб этилган санаси, жойи ва муқдори) аниқлашга уринарди. Кабинетга кириб ўтирган ҳамон киссасидаги чақа тангалар стол устига ёйилиб, бир чеккадан қайта-қайта лупа остига олинар эди.

«Мусулмон шарқи тарихи» курси бўйича В. Вят-

киннинг биринчи дarsi ҳам бошланди. «Лекцияни у аудиториянинг у бошидан-бу бошига юриб ўқирди... У на концептга, на студентларга қарарди. Фақат баланд бир нуқтага тикилганича воқеалар, номлар, саналар ва ҳатто воқеаларга алоқадор форсча шёърларни ёддан айтарди...

Биринчи лекциядаёқ у менинг илгариги қарашларимни остин-устин қилиб юборди, чунки унинг билганлари олдида менинг ўзимга бўлган эътиқодим пучдек кўрина бошлади. У ўзининг асосий тарихий манбаларини, X аср муаллифлари Муҳаммад Жарир Табарий, Муҳаммад Наршахий ва кейинги асрларда яшаган Ибн-Асир, Жувайний ва бошқаларни шундай хаттан рақатлаб бердики, улар қаршида менинг ўқиб юрган тарих китобларим ҳеч бўлиб қолди, — деб ёзган эди ўз хотираномасида Я. Фуломов. «Лекция вақтида унинг сўзини бўлиб савол берардик ва у берилган саволларга албатта жавоб берарди. Чунки у киши лекциянинг охирида саволга вақт қолдирмас, кўнгирак чалиниши билан чиқиб кетарди. В. Вяткин савол ва жавоблардан мен унинг лекциясини жуда эътибор билан эшитаётганимни пайқаган шекилли, бир дафъа у коридорда аудиториядан чиқишимни кутиб турган экан, мен яқинлашим билан ўзбекчалаб бояги саволга жавобини тавсифлаб гапира кетди. Менга асл манбаларни синчиклаб ўқишни биринчи бўлиб маслаҳат берган ҳам шу В. Вяткин бўлди. У бир лекциядан кейин мени Самарқанд эски шаҳарига олиб кетиб, Регистон кўчасидаги кутубхонага олиб кирди. Унда ишлаб турган барча ёшу қари ўринларидан туриб қарши олдилар ва «домла» деб у билан ўзбек ва тожик тилларида куюқ сўраша кетдилар. Бу кишининг маҳаллий зиёлилар ичинини шунда пайқадим. Домла баланд шкаф олдида стул қўйиб юқоридан чанг босган катта китобларни олиб тушди. Бу китоб «Тарихи Табарий»нинг туркча таржимаси эди. Шу ерда ўтириб у китобнинг қайси бобларини биринчи навбатда ўқишни менга кўрсатиб берди. Китоб туркча бўлгани билан сарлавҳалари форсча эди. Домланинг форс ва турк тилида бунчалик равон ўқишини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Ўша кунёқ В. Вяткин мени Регистондаги ўз кабинетига олиб борди. Ка-

бинет Тиллакори мадрасасининг бир хужрасида бўлиб, стол усти китоб ва папкалар билан тўла эди, улар ёнида папирос кутисида эски чақалар ётарди. Девордаги тахта тоқчаларда қадимги сопол, шиша идишлар, бино қопламаларидан ажралиб тушган ранг-баранг қошин парчалари, хат ўйиб ёзилган мармар парчалари, сополдан ясалган от, одам ва кўчқор ҳайкалчалари қатор турар эди. Кейин билишимча, В. Вяткин бу ерда тарихий ёдгорликларни сақлаш комитетининг раиси экан.

Идора ходимлари ва ташқаридан келган устанамо кишилар билан рус ва тожик тилларида муомала қилиб уларни жўнаттач, полкадаги буюмларга маҳлиё бўлиб турганимни кўриб, қани, мулла Яҳё бу топилмаларга нима дейсиз, бир нимага ўхшайдими? — деди ва қаттиқ овоз билан кулди.

— Ерган топилганга ўхшайди, лекин қайсиниси, қачонги?..

— Гап ана шунда, мен айтаётган археология ана шулар, — деди ва ўрнидан туриб, бир неча улоқ-сопол идишларни, хат ўйилган сопол тахталарни олиб биринчиси сомонийлар, иккинчиси қорахонийлар дари, учинчиси XVI асрга нисбат берди. Мен бу нарсаларни қанчалик совуқ қузатсам, у шунчалик ихлос билан таништирар эди, — деб ҳикоя қилганди Яҳё Фуломов археология соҳасида В. Вяткиндан олган биринчи сабоқлари тўғрисида.

Яҳё Фуломовнинг илмга бўлган қизиқишини сезган В. Вяткин археологияга тортиш ва дала ишлари методи билан таништириш мақсадида Афросиёбдаги ўз қазиларига олиб чиқа бошлади. «1928—1929 йил ёзида В. Вяткин билан Афросиёбда бир неча марта бўлишга тўғри келди, — деб ёзган эди бу ҳақда Я. Фуломов, — В. Вяткин ўзининг севган фани археологияга менда қизиқиш уйғотишга уринди. У институтда махсус бир археология кабинетини очиб И. Р. Чейлитко деган бир археологни шунга бош қилиб қўйди ва Чейлиткога мени тайинлаб топширди».

Яҳё Фуломов В. Вяткин билан Афросиёбга бир неча бор чиққанини эслайди. Мана ўша хотиралардан бири. «Афросиёбда 12—13 нафар ишчи анча ерни кавлаб очишмоқда, ер остидан туташ кетган йўғон қувурлар,

пишиқ ғиштан ишланган иморат деворлари, ўйма ганч парчалари, кўмир, сопол идишлар топилиб, фотогрф М. П. Завалин топилмаларнинг суратини олмоқда эди. Бундай ишларни тушунмаганим учун домла тезроқ жавоб берса-ю, шу жазирама иссиқдан кетсам деб ўйлардим. У киши бизда ёзги таътил эканини ҳисобга олиб мени соат учгача ўзи билан бирга олиб юрди. Иккимиз оч ҳамда ташна эдик. Иш тугаб ишчилар домла билан хайрлашиб кетишди, биз яна бир соатча қолдик, топилган буюмларни ёзиб, чизиб ўтирган кўзойнакли аёл ҳамма нарсани домланинг кўригидан ўтказди ва менинг ёрдамимда уларни қозога ўраб боғлади. Биз шаҳар томонга эмас, Сиёбнинг кўпригидан ўтиб, Бобибаланд томонга йўл олдик. Мен домланинг чидамига тан бердим, лекин ўзимнинг силлам қуриди ва ўзимча археологиядан анча ранжидим.

В. Вяткин мени Сиёб бўйидаги бир обжувозга олиб кирди. Жувозчининг номи Самадбой бўлиб, қаттиқ ҳазилкаш экан. Самадбой чой қайнатунча, домла эчки терисидан қилинган пўстак устига ёнбошлаб ухлади-қолди. Обжувознинг ер силкитиб гўмбурлаши, сувнинг вагираши унга асло ҳалақит бермасди. Шу кунни то қоронғи тушгунча Бобибаландда айландик, у ердагиларнинг ҳаммаси В. Вяткиннинг таниши-ю ошнаси экан. У ҳатто баъзи бирларининг лақабини айтиб тегинади, хонадонларга тўғри кириб бораверади ва албатта кимдодир тарихий ёдгорликларни сақлаш ва тўплашга алоқадор биронта иши бўларди. Биров Чилсутун масжиди ҳовлисидаги лойхонадан XV асрга оид қосшин парчаларини топиб йиғиб қўйган, биров ажойиб мрамар панжаранинг синигини топган, бировга от-арава билан аллақандай мрамартошларни Регистонга олиб бориш буюрилган, биров кўлзма ҳолидаги бир тарихий асар-ни кўрсатмоқчи, бировдан 7—8 ўрам вақфнома ва вассикаларни кўриб чиқиш учун омонат оларди. Ҳамма билан ўзбекча, тожикча ҳазил-мutoйиба қилар, ҳамма хонадон уни иззат-хурмат билан кутиб оларди...

В. Вяткин доимо пиёда юрар, Я. Фуломовни ўзи билан олиб кетар эди. «Мен В. Вяткинни фойтунда ёки автобусда юришга ундардим. У асло кўнмасди... — деб хотирлайди Я. Фуломов юрганда ҳам домла кўпинча Жалоллидин Румий ёки Абдурахмон Жомийнинг мас-

навийсини ёки Машрабнинг баъзи байтларини аста ўқиб, ҳамроҳининг диққатини шунга тортарди».

В. Вяткин Я. Фуломовни тарихшунос ҳам археолог қилиб тарбиялаш йўлини тутар экан, у аввало Шарқ кўлзма асарларини, археология фанининг ўша давр учун асосий адабиётини синчиклаб ўрганиши, қазил ишлари методлари билан таништириш, қазиб очилган археологик ёдгорликлардан тарихий жараёнларини очиб беришда биринчи даражали манба сифатида фойдаланиш каби масалаларга эътибор берган эди.

В. Вяткин Я. Фуломов билан яккама-якка турли темаларда муттасил суҳбатлар ўтказди. «1929 или мен ҳали студент эдим, — деб хотирлайди ўша давларни Я. Фуломов, — институтнинг профессорлари Б. Солиев, В. Вяткин ҳамда А. Фитрат ўзаро маслаҳатлашиб, институтда «Ўрта Осиё тарихи ва адабиёти» кабинети очиб, шунга мени ассистент қилиб тайинлашди. Кабинетта жуда кўп кўлзма китоблар тўпладик. Бу ишда ҳам В. Вяткиннинг хизмати катта эди. У мени бошлаб кўп жойларга олиб бориб, кўп китоб мухлислари билан таништирди. Улар кабинетта тез-тез келиб узоқ-узоқ ўтирадиган бўлиб қолишди...

В. Вяткин археологияга доир адабиётни, Туркистон археология ҳаваскорлари тўрагагининг протоколларини, Россия археология жамиятининг илмий асарларини эринмасдан менинг кабинетимга кўтариб келар, айрим мақолаларни ўқиб концепт олишни буюрар ва сўнгра имтиҳон тариқасида сўзлаб берасан дерди. В. Вяткин яна китобларни олиб кетиб, бошқаларини келтирар, мен обориб берай десам ҳеч кўнмас, «керакли тошнинг оғирлиги йўқ» деб ўзи олиб кетарди. Домла бу асарларни мента системасиз бўлса ҳам зўрлаб ўқитди, кейинроқ ўзим ахтариб ўқийдиган бўлдим. Кутубхоналардан тополмаган нарсаларимни домладан сўрасам «Ана холос», қозоқи отни эмга ўргатсанг тўра-нинг тагини ҳам қўшиб кемиради» деган эканлар, биракallo деб хонани бошига кўтариб куларди ва мен сўраган адабиётларни топишга ёрдам берарди. «Менинг фақат тарихшунос бўлибгина қолишга интилишимни яхши пайқаган Василий Лаврентьевич шу узоқ ва яккама-якка суҳбатларда кўпроқ тарихий бинолар, шаҳар харобаларининг худди архив сингари бир хазина

эканлигини, қадимги шаҳарларнинг топографик тузилиши, тарихда хунарманд кишиларнинг моҳирлиги сингарӣ темаларда сўзлаб, мени қизиқтира бошлади...

Кабинетдаги суҳбатлар, музей, Афросиёб ва турли тарихий жойларга қайта-қайта бирга боришимиз натижасида, В. Вяткин мени ўз йўлига сола олди, бироқ бу мандаги бурилиш анча кечикиб бўлди, чунки 1931 йилда мен В. Вяткиндан ажраб Тошкентга келдим ва уни қайта кўрмадим.

Археологияга қизиқиш ҳамда талабалик давридаёқ яққол намоён бўлаётган илмий қобилият уни аспирантура томон етаклади. Ҳали у олий ўқув юртининг охириги-курсияга кўчар-кўчмас Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Ўзбек илмий-тадқиқот институти аспиранти эди. Аспирантлик даврида, гарчи у ёш толиби илм даражасида ўз устида ишлаб, дастлабки илмий мақола ва тақризларни эълон қилган бўлса-да, бироқ ҳали кўп йиллар давомида жиддий меҳнат қилиш зарурлигини яхши тушунар эди.

ИЛК АРХЕОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР

*То фазлу хунарга етишмай инсон,
Унга бахт эшиги очилмас осон.*

Мирзо Белил

Самарқанд таҳсили тугаб мустақил илмий тадқиқотлар даври бошланди. Бу даврда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш Республика Комитети — «Узкомстарис» ташкил этилиб, унга архитектура ёдгорликларини сақлаш билан бир қаторда, республикада археологик тадқиқотлар олиб бориш иши ҳам юклатилган эди. 1933 йилда Я. Фуломов шу комитетга, аввал илмий ходим, сўнгра унинг илмий котиби қилиб таъинланди. Я. Фуломов Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз ва Тошкентдаги нодир архитектура обидаларини сақлаш ва уларни ўрганиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бирга археологик экспедицияларда ҳам қатнашди. Илк бор у 1933 йилда М. Е. Массон раҳбарлигида Термиз, 1934 йилда эса Дав-

лат Эрмидажи ва «Узкомстарис» томонидан уюштирилган Зарафшон экспедициясида иштирок этди. Зарафшон экспедициясига машҳур тарихчи олимлардан А. Ю. Якубовский раҳбарлик қилар эди. Олим Самарқанд ва Бухоро вилоятларида археологик қидирув ишларини олиб бориб, Қизилтепа ва Хатирчи районлари территориясида сўнгги антик ва илк ўрта асрларга оид археологик ёдгорликлар — Қизилтепа, Шаҳри Вайрон, Абуомаликтепа, Хазора, Бобохушарти, Дабусиёшаҳар харобаларини ва илк ўрта асрларда бутун Бухоро воҳасини атрофини ўраб ўтган улкан мудофаа иншооти — Кампирдевор қолдиқларини қайд этган эди. Зарафшон экспедициясидан Я. Фуломов дала шароитида археологик қидирув ишларини ташкил этиш, илк бор қайд этилган ёдгорликлар устида дастлабки тадқиқотлар ўтказиш бўйича анча-мунча салмоқли тажриба орттирди.

Мустақил археологик тадқиқотларини Я. Фуломов илк бор 1936 йилда қадимги Хоразм ерларида ҳаваскор археолог дўсти Турди Мирғиёсов, Рашид Набиевлар билан биргаликда бошлайди. 1937 йилда унинг отрядига археолог А. И. Тереножкин ва архитектор Б. Н. Засипкинлар жалб этилди. Я. Фуломов қадимги Хоразм ерларида бошланган дастлабки археологик изла-нишлар тўғрисида ҳикоя қилар экан: «Барханли қум-ликлар билан қопланган тақирлардан иборат бу зим-зиё кўҳна ўлкада на машина ва на от-арава юра олар эди. Отрядимизнинг асосий транспорт воситалари ус-тига хуржунларга озиқ-овқат, кўрпа-гўшак, палатка, планшет, теодолит ҳамда қозон-товоқ ва қумфон ор-тилган 5—6 эшаклардан иборат эди», — деб ёзади ўз эсдаликларига.

Қорақалпоғистоннинг жанубида, қадимги суғорилган ерларда сақланиб қолган Пилқалъа, Норинжон ва Гулдурсун каби улкан қалъаларнинг харобалари, бу кўҳна ўлкани қачонлардир оби ҳаёт билан таъмин этган қадимги суғориш тармоқларининг қуруқ ўзанлари ва атрофда сочилиб ётган сон-саноксиз турли-туман археологик топилмаларни ўрганаётган Я. Фуломов ҳўжа-ликнинг асоси ҳисобланган суғориш тарихи билан жид-дийроқ шуғулланишни бош масала деб ҳисоблаган эди. Шундагина Ўрта Осиёнинг қадимги маданият маскан-

ларидан бири ҳисобланган Хоразмнинг ўзлаштирилиб обод этилиши тарихи, қадимги маданияти ва бу ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ бўлган қатор масалаларга аниқлик киритилган бўларди. Бунинг учун катта куч билан кенг кўламдаги тадқиқотларни амалга ошириш зарур эди. Чунки «ёлғиз отни чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас» деган мақол бор доно халқимизда. Айниқса, ўша 1937 йилнинг ёзида содир бўлган қуйидаги воқеа ва бошдан кечирилган ҳолат, Хоразмда бундан кейин бўладиган археологик тадқиқотлар Яҳё Ғуломовни жиддий ўйга солиб қўйди.

«...Саратон ҳам охирлаб қолганди. Бир кун аввал кечда қайд этилган қадимги магистрал — қанал изларини хари-тага тушириш мақсадида, эрталаб Ножондаги лагердан ёлғиз чиқиб каналнинг қуруқ ўзани бўйлаб учраган археологик материалларга қизиқиб, лагердан 10—12 км шимолда жойлашган Қумқалъа харобасига етиб борганимни билмай қолибман. Йўл-йўла-оғирлашиб бормоқда эди. Аммо шимолга йўналган кавал ўзанининг поёни кўринмасди. Йўл учун на емак қайтишга тўғри келди. Бу қадимги воҳани атрофлича кузатиш мақсадида қайтишда маршрутни бир оз ўзгартиришга қарор қилдим. Куннинг жазирама иссиғидан-



Дастлабки мустақил археологик изла-нишлар. Хоразм (1936 йил).

кай учраган топилмалар билан елкамдаги рюкзак тўлиб оғирлашиб бормоқда эди. Аммо шимолга йўналган кавал ўзанининг поёни кўринмасди. Йўл учун на емак қайтишга тўғри келди. Бу қадимги воҳани атрофлича кузатиш мақсадида қайтишда маршрутни бир оз ўзгартиришга қарор қилдим. Куннинг жазирама иссиғидан-

ми ёки қаттиқ чанқаганимданми бошим айланиб, Ножондан шимол-шарқроқда жойлашган Тешикқалъа томон бориб қолибман. Жазирама қумликлари ичида юрaverиб сувираганимдан оғзим қуриб, тилим танглайимга ёпишиб қолгандек эди. Шу пайтда узоқда бир қора уй кўринди. Мен уйга қараб йўл олдим, қани етолсам. Кеч пешинда оёқларимни зўрлаб босиб қора уйга етиб бордим, уйнинг керагаси остига тўп этиб йиқилдим.

Ўша пайт қора уйдан узун бўйли туркман бобо чиқди. Кўзимни очиб, сув, — дедим. Бобо, — сув ичади, ўлади, сув ичади, ўлади — деган сўзларни қайтара-қайтара уйга кириб гойиб бўлди. Билмадим, орадан қанча вақт ўтди. Кун қайтиб кеч кириб қолган экан, туркман бобо сопол товоқда туя сутидан тайёрланган қумронни олиб келиб, бошимни бир қўли билан кўтариб туриб, ичириб қўйди. Бир оздан сўнг ўзимга келдим. Ўша оқшомда туркман бобо билан суҳбат чортанг бўлди. Суҳбат вақтида туркман бобо менга қуйидаги насихатомуз гапларни айтган эди. «Одатда даштаг аввало от-ўлов, емак ва сувсиз ёлғиз чиқилмайди. Мабо-до тасолифан чўлда сувсиз қолишга тўғри келса, кундузи кун қизигида йўл юрилмай, балки оғиз бурунни ўраб бир бутани тагида ёнбошлаб обдон дам олиб, сўнг кеч кириши билан йўлга чиқилади. Кечаси қолиб кетгудек бўлинса, етти қароқчи ёки тарозу юлдузларидан бирини мўлжалга олиб қўноққа томон йўл олинади. Иссиқда юриб зўриққан киши агар сув ичса, унинг ўпкаси шишиб кўкрагига ёпишиб қолади ва ҳалок бўлиши мумкин. Қумронни ҳам тана обдон совиганидан сўнг, бирданига симириб эмас, дам олиб, дам олиб кичик ютум билан ичилади...». Бу изланишлар ўлкамиз археологияси соҳасида Я. Ғуломов ташлаган дастлабки мустақил қадамлар эди. Ҳақиқий археолог олим бўлиб етишиш учун ҳали унинг олдида республикамиз тоғу даштлари бўйлаб узоқ йиллар давомида кечани кундузга улаб, аниқ мақсад ва ғайрат билан амалга ошириладиган сермашаққат меҳнат йўли турарди.

ХОРАЗМ ТАРИХИ БОЙ ЎЛКА, БИРОҚ...

*Хоразм кўн узок ўлка,
Тарихи бой кўриқ ўлка
Хуш келибсиз Хоразмга.*

Археолог кундалигидан

1936 йилнинг ёзидаёқ Я. Фуломов Москвада яшовчи дўсти археолог С. П. Толстовга мактуб йўллаб, уни Хоразмда биргаликда тадқиқотлар ўтказишга таклиф қилди.

1937 йилнинг кузида эса СССР Фанлар академияси қошида Хоразм археологик экспедицияси ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида С. П. Толстов раҳбарлигида Хоразм экспедицияси Қизилқумда археологик изла-нишларни бошлаб юборди. Олим барханли қумликлар-дан иборат бўлган бу қадимги ўлкада ибтидоий балиқ-чи-овчиларнинг манзилгоҳлари, қум барханлари ора-сидати сон-саноксиз улкан қалъаларнинг харобалари-ни, сугориш тармоқларининг қолдиқларини текши-ришга киришди. Бу экспедицияга Ўзбекистон Фанлар комитетидан Я. Фуломов жалб этилди. Я. Фуломов «Мен Ўзбекистон Фанлар комитетининг археологи сифатида С. П. Толстов билан биринчи дафъа ўша йил Қизил-қумда Хоразм археологик экспедициясида бирга иш-ладим», — деб ёзган эди ўз эсдаликларида. Ҳозирги Тўрткўл ва Беруний районларининг Амударёга ёндаш-ган тор ва чўзиқ воҳаларида жойлашган бепоеъ чўл қўйнида хом гиштдан, пахсадан қурилган улуғвор қалъалар, қадимий каналлар ўзани қумга кўмилиб ётар-ди. Чексиз қум барханлари оша автомашинада юриш у-ёқда турсин, ҳатто от-аравада ҳам ўтиб бўлмас, туя-лардан бошқа улов йўқ эди».

Тадқиқотлар бошланган йили VII—VIII асрларга оид Тешикқалъа харобасини қазиб билан бирга теварак-атрофни шу ердан қатнаб туриб текшириш энг яхши усул деб танланди. Сергей Павлович таклиф этган бу иш методи кейинчалик бошқа экспедициялар учун на-муна эди. Тешикқалъадан топилган мис ва қумуш тан-галар, рўзгор анжомлари, бинокорлик материаллари, чигит доналари, узум уруғлари, мева данаклари, ки-

йим-бош қолдиқлари асосида Хоразмнинг илк ўрта асрлар давридаги ҳаёт тарзини тўла тасаввур қилиш мумкин бўлди.




Хоразм археологик экспедицияси (1937 йил) юқори қаторда учинчи Я. Фуломов; бешинчи С. П. Толстов.

Қалъа атрофида олиб борилган қазииш-қидирув иш-лари Хоразмнинг узок ўтмишига — ибтидоий жамоа тарихининг янги тош, жез, илк темир ва қадимги, қулдорлик даврларга олиб кирди. Тадқиқотлар давоми-да топиб ўрганилган археологик ёдгорликлар мисоли-да овчилик ва балиқчиликдан сугорма деҳқончилик ва чорвачилик, йирик сугориш каналлари барпо қилиб воҳалар ва шаҳарлар яратишга ўтиш жараёнларини яққол тасаввур қилиш мумкин эди. Яхё Фуломов Хо-разм археологичесини чуқурроқ тадқиқ этишга кириш-ди. Даставвал у бой материаллар асосида «Хива ва унинг ёдгорликлари» мавзусида кандидатлик диссертацияси-ни ҳимоя қилди. Сўнгра илмий излаишларни кенг кўламда давом эттириб, Амударё этакларида сунъий сугоришнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиш тарихини ўрганишга киришди. Бу даврда Хоразм экс-педицияси Амударёнинг Довдон ва Оқчадарё қуруқ ўзанидаги қадимги сугорилган ерларда кенг кўламда археологик тадқиқотлар олиб бормоқда эди. Амударё-нинг дельтаси бўйлаб ўтказилган излаишлар натижа-

сида юзлаб нодир археологик ёдгорликлар қайд этилиб, уларнинг кўпида қазиб ишлари бошлаб юборилган эди. Я. Ғуломов бу изланишларда фаол иштирок этиш билан бирга, ўша вақтларда Хоразмда амалга оширилган ирригация қурилишларида ҳамда Чоржўй — Қўнғирот темир йўли трассаси бўйлаб, шунингдек, Амударё ёқалаб археологик кузатишлар олиб борди. Олим бу изланишларда кўпдан-кўп қийинчиликларга дуч келди.

1936 йилнинг ёз кунларидан бирида Амударё қирғоқларида қадимги қалъаларни текшириб, қайиқда сузиб бораётган эдим, — деб ҳикоя қилганди Я. Ғуломов, — ўша кезларда дарёда оқим кўтарилиб, ёзги тошқин бошланган эди. Қайиқ Туямўйин дарасига кин-рар-кирмас бирдан афғон шамоли кўтарилиб, дарёда кучли тўлқин пайдо бўлди. Дарёда сузиб бораётган қайиқ бир қарасам гоҳ кўтарилиб, тўлқин тепасига миниб олар, сўнг тоғдан думалатилган харсанг тошдек пастга мункиб кетар, баъзан тўлқин зарбидан у тоғ чап, гоҳ ўнг томонга ёнбошлаб қолар, яна тўлқинга урилиб тикланарди. Қайиқни бошқариш тобора қийинлашиб, дарёга гарқ бўлиш хавфи назаримда муқаррардек эди. Шу аҳволда дарадан чиқиб ҳам қолган эдик, фалокат юз берди. Тўлқин икки ёш қайиқчи йигитларни қайиқдан қоқиб, ўзи билан олиб кетди. Ҳайқириб оқаётган сув қайиқни тошли тик қирғоққа шиддат билан элитмокда. Қирғоқдан кўзгалиш учун кўлимизда на эш-как, на бирорта таёқ, фалокатни кўриб ўзини йўқотиб қўйган кекса дарға шу пайт қайиқ ўртасида тиз чўккан ҳолда икки қўлини юқорига кўтариб, дарёда гарқ бўлиб кетаётган қайиқчилардан кўзини узолмай, жон ҳолатда ҳалёб: «Хубби, хубби, ё хубби! Ўзинг мадад бер!» — деб такрорларди. Унинг чехраси ва овози кекса қайиқчининг дарёни тинчланишга ундаши ва ҳалоқатдан қутқаришни сўраб ёлворганини кўрсатиб турар, баланд овозда кўтарилган бу нидо эса мендаги кўрқинчни йўқотган эди. Мен дарғага боқиб ва унинг оғзидан чиқаётган «хубби» сўзини эшитиб ҳайратда эдим. Чунки бу сўз ислом динигача қадимги Турон ва Эронда кенг тарқалган оташпарастлик (зардуштизм) динининг сув худоси «хубби» ва унга ситғиниб, ундан мадад сўрашнинг ўзгинаси, фан учун қимматли этнографик маълумот эди...



Хожа Уббон (Хубба) зиёратгоҳи, Бухоро вилояти. Ромитон тумани.

Бошга хавф-хатар тушган оғир дамларда ҳам фан тўғрисида ўйлаш — аввало бу фидойилик, қолаверса жасорат эди. «Бир дафъа қайиқдан тушганимда кеч кириб қоронғи тушиб қолган, дарё ёқасидаги қалин тўқайзорни кесиб ўтган якка оёқ йўлдан лагеръ томон ёлғиз кетаётган эдим. Тўсатдан бир тўда бўрилар галасига дуч келиб қолдим. Улар мендан 40 қаламча нарироқда қамишлар орасидаги ялангликда қандайдир ҳайвонни гажлашарди. Одам шарпасини сезиб уларнинг қулоқлари аввал ликкайди, сўнг тумшукларини юқори кўтариб бўйинларини у ёққа-бу ёққа буришарди. Мента кўзлари тушдими, бирданига бўрилардан 5—6 таси йўлимни кесиб ўтиб, икки томонда худди карвондек

тизилиб туриб олишди. Кўрққанлик аломатини сезди-маслик учун қадамимни бир хилда босиб ва йўл-йўлаккай бир қўлим билан қамиш попилтириқларидан юлиб, киссамдаги гутуртни олиб уларни ёқиб машғала қилиб олдим. Бир қўлимда гуруллаб ёниб бораётган попилтириқлари учар-ўчмас, иккинчи қўлим билан яна қамиш юлиб ва уни ўчиб бораётган машғалга тутиб бунисини ёндириб олар эдим. Билмадим ўз ўлжасини еб тўйиб қолганиданми бўриллар менга ҳамла қилмади. Мен улар курушовидан қамиш бошларини ёндира-ёндира ўтиб кетдим, сира орқамга қайрилиб қарамай эсон-омон Тешик қалъадаги лагеримизга етиб олдим...»



Яхё Фуломов Қадимги Тешикқалъа олдиди. Ўйлар ва режалар (1938 йил).

Қўп йиллик археологик тадқиқотлар, Шарқ кўлэма асарлари таҳлили асосида Хоразмнинг қарийб 4—4,5 минг йиллик ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини тўлиқ акс эттирган йирик илмий иш юзага келди. Бу тадқиқот Яхё Фуломовнинг «Хоразмнинг суғориш тарихи» мавзусида 1950 йили ёқлаган докторлик диссертациясини асосини ташкил этди. Олим бу илмий ишда Хоразм археологик экспедицияси тадқиқотлари натижаларидан кенг фойдаланди. «С. П. Толстов билан 1946

йилгача Хоразм экспедициясида ишладим, — деб ёзди Я. Фуломов эсдаликларида, — саккиз йиллик тадқиқот натижасида С. П. Толстов ўзининг «Қадимги Хоразм» номли машхур асарини яратди. Мен эса «Хоразмнинг суғориш тарихи» китобини ёздим. Бу ишни бажаришда Сергей Павловнинг маслаҳатларидан баҳраманд бўлдим. Чунки бундай ишни бой археологик материалларсиз асло амалга ошириб бўлмади. Хоразм археологик экспедициясининг кенг кўламдаги тадқиқотлари менинг ишимга ривож берди.

1957—1959 йилларда рус ва ўзбек тилларида нашр этилган Я. Фуломовнинг «Хоразмнинг суғориш тарихи» номли асарида Хоразмнинг 3,5 минг йилдан ошроқ даврни ўз ичига олган суғориш тарихи даврмалар талқин этилган. Яхё Фуломов Амударё этаклари хавзасининг археологик ёдгорликларини синчиклаб текшириш асосида дельта irmoқларининг тошқин сувларидан ҳосил бўлган лиманларда (кўлмакларда) суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши жараёнини жуда жонли тасвирлаган. Унинг ёзишича, тошқинларнинг тасодифий ва беқарорлиги туфайли Хоразмнинг ибтидой деҳқонлари уларга батамом тобе бўлиб, ҳар фаслда доимо қулай лиманлар ахтариб тошқинлар орқасидан кўчиб юрган. Деҳқончиликнинг кўчма характерда бўлиши сабабли Хоразмнинг ибтидой деҳқонлари тошқинлардан ҳосил бўлган лиман ва irmoқчалар бўйида ярим ертўла шаклида қурилган енгил-елпи чайлаларда яшаган. Улар қўрғонли қишлоқлар барпо этишни билмаган. Хоразмнинг қадимги суғорилган ерларда топиб, текширилган улкан қалъалар ҳамда йирик суғориш тармоқлари эса милотдан аввалги I-минг йилликнинг ўрталарида Хоразмда содир бўлган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Я. Фуломовнинг фикрича, мустабид подшоликларнинг ташкил топиши йирик суғориш системаларини барпо этишда ҳал этувчи омиллардан бири бўлган. «Улар магистрал каналлар қуришга, дамбалар кўтаришга ва бошқа иншоотларни яратишга фақат уруғ ва қабилаларнигина сафарбар қилмай, қуллардан ҳам бу ишларни бажаришда фойдаланганлар», — деб ёзди ўз асарида Я. Фуломов.

«Хоразмнинг суғориш тарихи» китобида воҳанинг

ирригация техникаси ва сув хўжалиги масалаларига ҳам катта ўрин берилган. Унда антик даврнинг ниҳоят-да кенг ва сёз тошқин каналларидан то ўрта асрларнинг кўп тармоқли ирригация системаларигача ҳамда навардлардан қурилган тўғонлардан то чиқирларгача Хоразм ирригация техникасининг тарихий тараққиёти батафсил тасвирланган. Я. Фуломов Хоразм воҳаси ирригация хўжалигини тартибли сақлаб туришда ҳашар ишларининг аҳамияти ҳақида тўхтар экан, суғорма Шарқнинг барча мамлакатларида бўлганидек ўтмишда Хоразм ҳам суғориш иншоотлари ҳукмрон синф қўлида меҳнаткаш деҳқон аҳолисини эксплуатация қилиш қуроли бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. «Хоразм тарихида кўпдан-кўп фактлар борки, — деб ёзади Я. Фуломов, — бу фактлар сув тармоқларининг зўрлик қуролига, кучлиларнинг кучсизлар устидан ҳукмронлик қилиш қуролига айлантилигини кўрсатади».



Устоз ва шогирд.

Ирригациянинг ривожланиши ва инқирозга юз тутиши масалаларида ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорваларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларининг аҳамияти тўғрисида Я. Фуломовнинг фикрлари, айниқса, диққатга моликдир. «Бу деҳқончилик аҳолиси фақат воҳа билан чўл бир-бири билан яқиндан

алоқа ботлаб қудратли давлат тузган ҳолдагина ривожлана олган, ирригацияни ривожлантирган. Воҳани ҳимоя қилишга қодир бўлган шаҳарлар кура олган», — деб ёзади у.

Яҳё Фуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» асарини илмий жамоатчилик юқори баҳолади. Давлат Эрмитажининг директори, академик Б. Б. Пиотровский «Яҳё Фуломовнинг Ўрта Осиё хўжалик ҳаётининг асоси ҳисобланган суғориш соҳасидаги талқиқотлари ҳақиқатан ҳам ниҳоятда буюкдир», — деб ёзган эди. Унинг талқиқотлари машҳур олим томонидан берилган бу юксак баҳо, аввало, тарих ва археология соҳасида Яҳё Фуломовнинг йирик олим сифатида эътироф этилишини, қолаверса, ўзбек археологиясининг улкай ютуғини кўрсатар, бу ютуқ шубҳасиз, узоқ йиллар давомида олиб борилган тинимсиз фидокорона меҳнатнинг ва ҳаётда ортирган улкан тажрибаларнинг самараси эди.

БУНДА ЖАМУЛЖАМДИР ЮРТИМ ТАРИХИ

*Китоб — билим манбаи,
Илм — ақл чирочи.*

Халқ мақоли

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Москва ва Ленинграддан собиқ иттифоқ Фанлар академияси қошидаги илмий талқиқот институтларининг бир қисми Ўрта Осиё республикаларига эвакуация қилинган. Шу муносабат билан академиклардан Б. Д. Греков ва В. В. Струве, собиқ иттифоқ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси К. В. Тревер ҳамда С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский ва бошқалар Тошкентга кўчиб келишди. Ўша йилларнинг оғир шароитига қарамасдан улар республикада илм-фаннинг тараққиётига, айниқса, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ишига улкан ҳисса қўшдилар. 1943 йилда Тошкентда Ўзбекистон фанлар академияси ташкил этилди. Бу шубҳасиз республикада илм-фан ва маърифатнинг равнақи йўлида муҳим воқеа бўлди. Шу даврда Я. Фуломов машҳур тарихчи шарқшунос олими

лар билан бирга ишлашга муяссар бўлади. Улардан сабоқ олади ва уларнинг илм-фан соҳасида тўплаган сарчашмасидан баҳра олиб, тарих ва археология соҳасида етук мутахассис бўлиб етишади.

Маълумки, бу даврда Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистоннинг ўтмишига бағишланган бирорта ҳам илмий асар яратилмаган эди. Академиклардан Б.Д. Греков ва В. В. Струве раҳбарлигида бир гуруҳ ленинградлик ва москвалик олимлар кўп томлик «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни яратишнинг ташаббускори бўлиб чиқдилар. Бу ишга маҳаллий тарихчилардан А.А. Семенов, Я. Ғуломов, В. А. Шишкин, Р. Н. Набиев ва бошқалар жалб этилди. 1941 йилнинг ўзидаёқ республикада тарихига бағишланган кўп томлик асарни яратиш устида қизғин илмий талқинот ишлари бошланиб кетди. Асарнинг биринчи томи К. В. Тревер, А. Ю. Якубовский ва С. П. Толстовлар томонидан ёзилди. Сергей Павлович бош муҳаррир, Яхё Ғуломов эса махсус муҳаррир этиб тайинландилар.

Илк бор яратилаётган бу капитал асарнинг ёзилиши ва уни нашрга тайёрлашда Я. Ғуломов жонбозлик кўрсатди. «Дастлаб «Ўзбекистон тарихи»нинг икки томи яратилди. Китобни тўла таҳрир қилиб чиқиш борада сўнгги ташкилий-илмий вазифа менинг зиммамга тушди», — деб ёзган эди у ўз эсдаликларида.

«Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг сўнгги тарақлари ҳали машинкадан чиқар-чиқмас Иккинчи жаҳон уруши охирида, унинг асосий муаллифлари ўз она шаҳарларига қайтиб кетдилар. Бунинг оқибатида икки томлик асарнинг қўлзмаси етук тарихчи олимлар анжуманида муҳокама этилмай қолади. «Уруш тамом бўлар-бўлмас шу олимларнинг ўзлари, — деб ёзди у эсдаликларида, — мени собиқ иттифоқ Фанлар академиясини Моддий маданият (Археология) институтига докторант қилиб олиб кетдилар».

Москвада Я. Ғуломов докторлик диссертацияси, шунингдек илмий жамоатчиликнинг муҳокамасидан ўтмаган икки томлик «Ўзбекистон халқлари тарихи» қўлзмаси устида ҳам қаттиқ ишлади. Айниқса, асарнинг биринчи томида илк бор баён этилаётган «ибtidoий жамоа», «кулдорлик тузуми» ҳамда «илк феодализм» даврига мансуб ва олимлар тортишувига сабаб

бўлган қатор масалаларни С. П. Толстов билан биргаликда синчиклаб кўриб чиқилди.



Кечки ҳорлик, ўтовда (Чимбой, Қорақалпоғистон, (1945 й.)
Я. Ғуломов, С. П. Толстов ва Н. П. Толстовлар.

«Ўша кезларда «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг қўлзмаларини қўлтиқлаганча Москва билан Ленинград орасида бир неча ой қатнашга тўғри келди, — деб ёзди Яхё Ғуломов. Академиклардан И. А. Орбели ҳамда В. В. Струвелар китоб таҳрирининг ҳамма масалалари устида мунозаралар ташкил қилишар ва мен уларда иштирок этар эдим. Бу мунозаралар мен учун катта мактаб бўлди деб биламан. Чунки ҳар бир аниқ тарихий масала ва воқеа устида Москвада Сергей Павлович Толстов иккимиз келишиб олган нуқтаи назарни қатъий туриб ҳимоя қилишим зарур эди. Ленинграддаги қизғин илмий баҳс ва мунозараларда С. П. Толстовнинг Ўзбекистон тарихчиларини актив намоёнчаси сифатида иш қўриши бизни катта муваффақиятларга олиб келди».

Мана шу йўсида Республикамиз тарихи жамул-жам бўлиб, унинг икки томлик дастлабки наشري дунёга келди. Кейинчалик у тўрт томлик «Ўзбекистон тарихи» учун асос бўлди. Я. Ғуломов асарнинг кейинги нашр-

ларида ҳам фаол иштирок этди. Москва ҳамда ленинградлик машхур тарихчи олимлар билан ҳамкорликда ишлаган йилларни хотирлаган дамларда Я. Ғуломов ўз касбини юракдан севган етуқ талқиқотчиларнинг бир-галикда қилган меҳнати нақадар самарали бўлишини, дўстона коллективда ишлаш эса устоз учун ҳам, шогирд учун ҳам улкан бахт эканлигини таъкидлар эди. «Дўстлик ва ҳамкорликда фазилат катта, ҳар бир ишни бажаришда, бу улуғ кучлар; бизнинг мамлакатимизда фидокорона меҳнат қилиш, бу Ватанни севиш демакдир» дерди.

ЙУҚОЛГАН МОҲОНДАРЁ ИЗИДАН

*Гуркираган олов — дилим йўлдош,
Тўлқин урган дарё — кўзларим ёши,
Кўзагарлар ясаётган ҳар кўза —
Кўҳна дўстлар хоки — қўли, ё — боши.*

Паҳлавон Маҳмуд

Я. Ғуломов ўзининг қирқ йилдан зиёд илмий фаолиятида кўплаб экспедицияларни ташкил этди ва уларга раҳбарлик қилди. 1950—1960 йилларда Зарафшон водийсининг қуйи қисмида унинг раҳбарлигида археологик тадқиқотлар олиб борган Моҳондарё экспедициясининг кашфиётлари, айниқса, диққатга сазовордир.

1950 йили Я. Ғуломов Москвада докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Энди тиниб-тинчимас олимни республикамизнинг яна бир қадимги маданият ўчоғи — Бухоро воҳаси ва унинг моддий маданият обидалари қизиқтира бошлади. Ўша вақтларда археолог В.А. Шишкин Бухородан 40 км шимоли-ғарбда Қизилқумда Бухоро қадимги ҳокимларининг қароргоҳи — Варахшада қазиб ишлари олиб бормоқда эди. Варахшада паҳса ва хом гиштлардан бино қилинган ва томи равоқсимон шаклда ёпилган улкан сарой қолдиқлари топилган бўлиб, сарой деворларининг бир қисми ганчкорлик нақшлари, иккинчи қисми турли ов манзаралари тасвирланган бўёқли расмлар билан безатилган эди. Бу ажойиб нодир санъат асари илк ўрта аср мада-

ниятига мансуб бўлиб, унинг чуқур илдиэлари қадим замонларга элитар, аммо ўша кўҳна тарихнинг бундай обидалари эса Бухоро археологиясида ҳали топилиб текширилмаган эди.



Омон кўтонгори Я. Ғуломов ва палеолитшунос дўсти Д. Н. Левнигоҳида (Самарқанд, Булбулли сой).

Я. Ғуломов 1950 йилнинг сентябр ойи бошларида Бухородаги кўҳна маданият изларини қидириб топиш мақсадида махсус экспедицияни ташкил қилади. Ўша йили олим Бухоро воҳасининг Қизилқумга туташган қисмида археологик қидирув ишларини бошлаб юборди. Я. Ғуломов Қорақўл районининг Яккатут қишлоғи яқинида ўтмишда Зарафшон дарёсидан ажралиб чиқиб Амударёга оққан унинг Моҳондарё, Гурдуш ва Бужайли каби қуриб қолган қадимги ўзанлари ёқалаб илмий

тадқиқотлар олиб борар экан, бир қисми юлгун, иккинчи қисми саксовул ҳамда кум барханлари билан қопланган бу тақир жойларда онда-сонда сочилиб ётган майда тош қуролчалар, сопол идиш бўлакларини энгашиб териб олганида Бухоро воҳасида бошланган ўз изланишлари лебочасидан мамнун ва ўзида йўқ хурсанд бўлган эди. Чунки Бухоронинг ибтидоий давр маданиятини ўрганиш йўлида дастлабки қалит топилан-дек эди.

Я. Ғуломовни Бужайлининг қуруқ ўзани ёқалаб Қорақўлдан 15 км шимоли-ғарбда жойлашган Замонбобо қўли қизиқтиради. Бужайлининг тошқинларидан ҳосил бўлган бу қадимги қўл гарчи ўша кезларда деярли қуриб, шўр босиб ётган бўлса-да, аммо жуда қадим замонларда овчи-балиқчи қабилалар ва ибтидоий деҳқонларнинг яшаши учун қулай маскан ҳисобланган. Шунинг учун ҳам қўлнинг соҳили ва атрофини синчиклаб ўрганиш зарур эди. Палаткани қўлнинг шимол-лий соҳилига туташган тақир устига ўрнатиб, бутун экспедиция аъзолари ҳафта мобайнида 3,5—4 км келадиган қўлнинг атрофини ҳарчанд ўрганмасинлар кўҳна тарихдан дарақ берувчи бирорта ҳам аломат кўзга ташланмас эди. Я. Ғуломов — бундай бўлиши мумкин эмас, бу ердан албатта қадимги маданият излари топилиши керак, — деб ҳаммани ишонтитар ва уларни топмас-



Экспедициямиз қадимги Моҳондарёнинг қуруқ ўзани бўйлаб. Наргиз қалъа ва Хатар яқинида.

дан бирор қадам ҳам олдинга экспедиция сиғимайди, деган фикрда қатъий туриб олган эди. Ниҳоят, Я. Ғуломовнинг фикри тўғри бўлиб чиқди.

Ҳафтанинг охирига бориб палаткани ёнидан майдаланиб кетган суяклар ва сопол идиш парчалари сочилиб ётган жой топилиди. 300 квадрат метрлик майдон зудлик билан қумдан тозаланди. Яхшилаб суғурилган тақир устида диаметри 1,2—1,5 м келадиган бетартиб жойлашган чуқурларнинг оғзи кўзга яққол ташланарди. Бу асрлар давомида бизгача сақланиб келган, гумбазини шомол учуриб кетган қадимги қабристоннинг қолдиқлари — ибтидоий маданият обидаларидан бири эди. Ниҳоятда эҳтиётлик билан гўрлар бирин-кетин кавлаб очила бошланди. Уларда қўл-оёқлари букилиб, гузнак ҳолда қўмилган одам скелетлари билан бирга, сопол идишлар ва чақмоқтошдан ясалган камон ўқи пайконлари, турли хил тошмунчоқ ва маржонлар, жез зеби-зийнатлар қўшиб қўмилган эди. Бу милоддан аввалги II мингинчи йилликнинг ўрталарида деҳқончилик ва чорвачилик билан кун кечирган ибтидоий қишлоқ аҳлининг қабристони бўлиб, фанга «Замонбобо маданияти» номи билан киритилди¹.

Кейинги йилларда олиб борилган экспедиция натижасида Моҳондарё экспедицияси Замонбободан ғарбда жойлашган Кичик ва Катта Тузкон номлари билан машҳур бўлган қадимги қўллар атрофидан милоддан аввалги V—III мингинчи йилларда яшаган овчи-балиқчи аҳоли қайаларининг ўрни топиб ўрганилди². Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида Я. Ғуломов бошлаган бу археологик тадқиқотларнинг дастлабки натижалари Бухоронинг ибтидоий маданияти тарихини ўрганишда янги саҳифа очди, ундан чиқарилган хулосалар эса Ватанимизнинг ўтмиш ҳақидаги билимларини боийитди.

¹ 1961 йилда А. Асқаров томонидан бу қадимги аҳолининг умумий саҳни 9—21 метр бўлган ярим ерғула чайласи ўрни Бужайли ёқасидан топиб текширилди.

² Бу ёлгорликлар 1960—1961 йилларда У. Исломов томонидан тадқиқ этилди.

САРДОРИМИЗ ЭДИ...

Қадимшunosлик илмида
сарбон, осори атиқалар посбони.
Уз замонида чекиб гурбат,
нолу афгон устозим.

Археологнинг кундалигидан


Ривоятлардан маълум бўлишича, Луқмони Ҳаким далаю даштларни кезганда гиёҳлар қандай дарду хас-таликларга қарши дори-дармон бўлишини унга «сўзлаб беришаркан», Устозим Яхё Фуломовни хотирласам, бе-ихтиёр ҳалқимиз тилида кенг тарқалган Луқмони Ҳаким тўғрисидаги мана шу афсона ёдимга тушади. Чиндан ҳам, ер қаърида яшириниб ётган не-не обидалар ус-тозга «биз шу ердамиз, биз фалон даврга мансубмиз, биз Сизни қизиқтирган воқеаларнинг гувоҳимиз», дея мозийдан садо бераётгандек туюларди.

Бундай хаёл фақат мендагина эмас, экспедиция-мизда қатнашаётган аксари ёш мутахассислар, қола-верса, қазувчи ишчиларда ҳам тугилган эди. Чунки Яхё Фуломов қандай осори атиқани ўрганишга кириш-масин, ундан нималар топилишларини аввалдан бил-гандек иш режасини тузар ва унинг ҳар бир қаричини ниҳоятда эҳтиётлик ва синчковлик билан кавлаб очти-рар эди. Шунинг учун ҳам ҳар сафарги тадқиқотлари-миз янги-янги кашфиётлар билан якунланарди.

Яхё Фуломовнинг иш услубининг пухталиги, режа-сининг аниқлиги, тадқиқотларининг сермахсуллиги тўғрисида узоқ йиллар экспедицияларда қазувчи бўлиб ишлаган Эшпўлат оганинг айтган ҳикоянамо сўзлари ҳали-ҳали ёдимда.

1956 йил сентябрь ойининг бошлари. Яхё Фуломов раҳбарлигидаги экспедициямиз Бухоро шаҳридан 50 километрча шимоли-ғарбда, ҳозирги Бухоро—Газли йўлига яқин Қизилқумнинг дашти Урганжий деб атал-ган қисмида сўнги антик давр (милоднинг III—IV асрлари)га мансуб ва маҳаллий аҳоли ўртасида Қизил-қир номи билан машҳур бўлган археологик ёдгорликда қазув ишлари олиб бормоқда эди. Тушқи овқат пайти. Эндигина бўй ола бошлаган саксовулларнинг олачал-

поқ соясида қазувчи ишчилар тўп-тўп бўлишиб чой ичишиб ўтиришарди. Қумликка ёнбошлаб олган Эш-пўлат оға атрофига илк бор қазиб ишларида қатна-шаётган Раҳимбой, Ширинбой, Турамурод, Абиш оға, Ойсулу, Раҳшона ҳамда қадимги кўргон харобаларида олиб борилаётган археологик қазувларни томоша қил-гани келган овулдошларини тўллаб, уларга Яхё Фуло-мов қандай қилиб Қизилқирни огани тўғрисида ҳикоя қилар эди. «Биласизларми, Куломовнинг дурбини бор,— дерди у,— Тошкентда туриб у дурбиндан қарайди-да, сўгин ўси жерга келади. Бу топқир олим ўси жердан том шиқади деса — том, тас шиқади деса — тас, агар олтин деса — олтин шиқади».




Қора уйни тиклаш — бўлажак қароргоҳимиз. (Қизилқум).

Дарҳақиқат, Эшпўлат оганинг бу ҳикоятомуз гапи-да ҳам жон бор эди. Чунки Яхё Фуломов даставвал Қизилқирга 1953 йили келиб, қазиб ишларига маҳал-лий аҳолини ишга тақлиф этган вақтда биринчилар-дан бўлиб Эшпўлат оға келган. Ушанда у Яхё Фуломов-га қараб:

— Инженер! Биз бу ерда қандай юмушни бажара-миз? — деб сўраганида, Яхё Фуломов унга, мана шу яссигина тепани кавлаймиз, деб жавоб берганди. Эш-пўлат оға бўлса, — бу тоғ бўлмасаки уни кавлаб кон қидирсанг, остида булоғи бўлмасаки сув чиқариб бу

қўриқ даштни суғорсанг, усти майда қизил шағал билан қопланган бу қирчадан нима ҳам чиқарди, — деганида, Яхё Фуломов бир оғиз сўз билан унга: — Бу ясси тепаликнинг остида том бор, — деб жавоб берган эди. Бунни қарангки, қазил ишларининг иккинчи куниндаёқ, эни 2 метрли тўрт томонга йўналган қалин деворлар очилиб мавсум охирида ясси тепанинг марказидан эни ҳам, бўйи ҳам 9 метрли, чор атрафида супалари бўлган, квадрат шаклдаги каттагина миёна-рой — зал очилганди. Бу кенг залнинг тўрт томони эни қарийб 3 метр, бўйи 14 метрли узун йўлақлар билан ўралган. Бу иморатлар дарвозахонаси ғуломгардишли (ўралган) каттагина қадимий қўрғоннинг харобалари эди.



Тоҳизартгарон ва Тими Абдуллахон меъморий обидалар оралигидаги археологик қазинма (1974 й.) Бухоро шаҳри.

Куз кириб, салқин тушиб қолгани сабабли Яхё Фуломов Қизилқирдаги қазил ишларини тўхтатадиган бўлди. Шундан аввал, ёлгорликнинг маданий қатламларининг қалинлигини аниқлаш мақсадида шоғирларидан археолог Т. Азамхўжаев ва архитектор В. А. Нильсенларга Қизилқир ёлгорлигининг марказий қисмида шурф-чоҳ қазил учун жой кўрсатиб, ўзи Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида жойлашган Замонбобо кўли

соҳилида топилган яна бир нодир археологик обидала олиб борилаётган қазил ишларидан хабар олгани жўнаб кетади. Во ажабо, буни қарангки шу пайт Қизилқирда кавланаётган шурф остида кучли ёнғиндан ҳосил бўлган кул ва қўлаган пахса девор остида ёшгина аёл скелети чиқиб қолади. Скелетнинг бўйин қисмида беш шода марварид ва уч дона кубик шаклидаги олтин медальон (тумор)ча ҳамда кўкрак ва оёқ қисмларида эса 78 дона ярим шарчалар шаклида майда тилла тақинчоқлар бор эди. Бу ҳолиса Яхё Фуломов белгилаб берган жойни қазийётган Эшпўлат оға ва унинг атрафдагиларни ҳайратта солган эди.

Мана шундай воқеаларнинг гувоҳи бўлган менга ҳам, ёш ҳамкасбларимга ҳам устоз Яхё Фуломовнинг археологик тадқиқотлари ва моддий-маданият обидаларини топишдаги каромати Луқмони Ҳакимнинг до-ривор ўсимликлар билан бўлган мулоқотига ўхшаб кет-гандек туюлар эди.

Бу «луқмонлик» шубҳасиз «афсонавий» бўлмай, балки унинг ажолларимиз қолдирган қадриятлар — осори атиқаларни излаб топиш ва уларни ўрганишга бўлган зўр қизиқиши, ўз касбага бўлган чексиз муҳаббат эди. Бу устознинг тинимсиз изланишлари, қолаверса, узоқ йиллар давомида тарих ва қадимшunosлик фанлари-нинг сардорлари Б. Солиев, В. Л. Вяткин, С. П. Толстов, Б. Д. Греков, В. В. Струве, А. Ю. Якубовский ва бошқалардан ўрганган ва ҳаётда орттирган улкан таж-рибалари самараси эди.

УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Ота меҳридан устоз
жафоси афзал


Халқ мақоли

Дарҳақиқат касбага бўлган муҳаббат, ҳалол меҳнат ва ўз мутахассислиги бўйича орттирилган тажрибада хислат катта экан. Яхё Фуломовнинг 30—40-йилларда қадимги Хоразм ерларида машҳур археолог Сергей Павлович Толстов билан ҳамкорликда олиб борган илмий тадқиқотлари пайтида орттирган салмоқли тажрибаси

50—60-йилларда Бухоро, Тошкент ва Фарғона водийсининг қадимги моддий-маданиятини ўрганишда жуда қўл келган эди. Ўша вақтларда Бухоронинг ибтидоий маданиятига оид қатор ажойиб обидалар топилди. Мазкур топилмалар бу қадимги маданият ўчоғида ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини ойдинлаштирувчи бебаҳо ашёвий далоил бўлди. Айниқса, Зарафшоннинг Қизилқумга йўналган қадимги қуруқ ўзанлари: Моҳондарё, Бужайли, Гурдуш ҳамда Замонбобо, Кичик ва Катта Тузкон соҳиллари бўйлаб Яхё Фуломовнинг ўта синчковлик билан гоҳи туяда, гоҳи пиёда ўтказган қидирувлари натижасида талқик этилган неолит (миллодан аввалги V—III минг йиллик) ва бронза (миллодан аввалги II минг йиллик) даврларига мансуб ёдгорликлар ўша йилларнинг хайратомуз кашфиётларидан ҳисобланади. Бу обидаларни топиб ўрганиш туфайли халқимизнинг ибтидоий давр тарихи, Бухорода сўнгги тош даврида овчи ва балиқчи қабилалари, ҳамда бронза даврида яшаган ибтидоий деҳқон ва чорвалорлари яратган қадимги маданияти (хўжалиги, урф-одати ва эътиқоди)га оид янги маълумотлар билан бойитилди.

Ўша йилларда Фарғонада Қапчиғай, Навоий яқинида Учтут тош даври устахонаси ва шахтаси, Тошкент областида Обираҳмат ва Қўлбулоқ палеолит даври маконлари кашф этилди. Бу янги кашфиётлар, шубҳасиз, ибтидоий давр ёдгорликларини ҳар томонлама чуқурроқ талқик қилишни талаб этарди. Бироқ ўша даврларда республикамызда тош даври археологияси билан жиддийроқ шуғулланидиган бирорта ҳам мутахассис йўқ эди. Фаннинг тараққиётида кадрлар муҳим роль ўйнашини яхши билган Яхё Фуломов, бир гуруҳ ёш тарихчилар М. Қосимов, Х. Насриддинов, У. Исмолов, А. Асқаров, С. Раҳимов, Т. Мирсоатов, Р. Сулайманов ва бошқаларни бошлаб Москва ёки Ленинградга йўл оларди. Улардан бир гуруҳини ҳамкасб дўстларидан атоқли археолог А. П. Окладников ёки П. И. Борисковский, иккинчи гуруҳини машҳур антрополог М. М. Герасимов ёки М. П. Грязновларга топшириб, уларни аспирантурага жойлар экан, «Ўзбекистон билимдон кадрларга муҳтож, йигитларимиз учун аспирантура муд-

дати уч йил эмас, беш йилдир, улар ҳақиқий мутахассис бўлиб қайтишлари керак», — деб кўп таъкидлар эди.



III—IV аср ёдгорлиги Қизилқир кўргонининг қазиб очилиши.
Бухоро, Хўжа Зафарон (1953 й.).

Шу-шу бўлди-ю москвалик ва ленинградлик етук олимларга шогирдлар юбориш анъанага айланди. Мана, ҳозирги кунда Яхё Фуломов Москва ва Ленинградга олиб борган авлоднинг бир гуруҳи етук археолог бўлиб етишди. Улар республикамизнинг турли шаҳар ва вилоятларида илмий талқиқотлар олиб бориш билан бир қаторда ўзлари ҳам қатор шогирдлар етиштирмоқда.

Маълумки, 1966 йилда Афросиёбда илк ўрта асрларнинг ноёб деворий суваратлари кавлаб очилганда II қатор сугд ёзуви борлиги қайд этилган эди. Ўшанда Ўзбекистонда бу қадимги матнни ўқий оладиган бирорта ҳам мутахассиснинг йўқлиги туфайли, ҳужжатнинг мазмунини аниқлаш учун ленинградлик олим В.А. Лившицга мурожаат қилинади.

Шу муносабат билан Яхё Фуломов билан маслаҳатлашиб, ёш тарихчи Мирсодиқ Исҳоқовни Ленинградга юборилди ва В. А. Лившицдан уни шогирдликка

қабул қилишни илтимос қилинади. Мана йиллар ўтди. Мирсодиқ Исҳоқов Ўрта Осиё диёрида ягона суғишунос олим бўлиб етишди. Ҳозирги кунда унинг раҳбарлигида бир гуруҳ ёш олимлар фанимизнинг бу нодир йўналиши бўйича муваффақият билан илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Яхё Ғуломов шогирд тайёрлашга катта аҳамият берар ва тарбияламаган олимни у мевасиз дарахтга қиёс Шогирд Шунинг учун ҳам унинг ўз шогирдларига қиларди. Шунинг эътибори ниҳоятда кучли бўлиб, шогирд танбўлган эътибори, қизиқиши ва интилишига қараб лашда унинг билими, қизиқиши ва интилишига қараб иш тутир эди. У шогирдларининг билим ва қизиқишини назарда олиб, темалар тавсия этар экан, уларни тарих ва археология фанининг маълум йўналиши бўйича тарбиялашга ҳаракат қилар эди.



Я. Ғуломов шогирдлари (ўнган) А. Муҳаммадҷононов, Ғ. Дашабоев, Н. Хабиров, Р. Равашинов ва М. Тағиевлар (1974 й.) даврасида

Натижада 50—60-йилларда Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган суғорма деҳқончилиқ ва ирригация тарихи ҳамда Ўрта

Осиё халқларининг қўшни халқлар билан алоқалари тарихи бўйича ўзига хос мактаб вужудга келган эди. Яхё Ғуломовнинг кўплаб шогирдлари, археология соҳасида яратган махсус мактаби, белгилаб берган илмий йўналишлари 1970 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида алоҳида Археология институтининг ташкил топишида асосий пойдевор бўлди. Бу институт археология фани бўйича собиқ Шўролар иттифоқида учинчи, Осиё республикаларида дастлабки илмий тадқиқот маскани эди.

Яхё Ғуломов тарих ва археология соҳасида шогирдларига саҳийлик билан таълим берар экан, улар ёзган ҳар бир ишни пайсалга солмай тезда ўқиб чиқар, қимматли фикр ва мулоҳазаларини берар ва уларни аниқ гоёси бўлиши ва албатта фан учун янгилик бериши керак, деган сўзларни қайта-қайта таъкидларди. Баъзан кичик мақолалар гоёси ва фанга киритган янгиликни жиҳатидан айрим йирик асарларга тенг бўлиши мумкин дер эди.

Яхё Ғуломов қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, ҳамма вақт ўзининг теран билимини илм ихлосмандлари билан баҳам кўрарди. Айниқса, экспедицияларда биргаликда археологик тадқиқотлар ўтказган давримизда кечкурунлари гоҳ қора уйда, гоҳ очик ҳавода гулхан атрофида тарих ва археология фанининг турли масалалари бўйича устознинг олиб борган сермазмун суҳбатлари биз ёш шогирдлари учун ниҳоятда мароқли бўлар эди. У кишининг бутунги суҳбат мавзуси эртага, эртангиси кейингиларида қайтарилмасди. Ҳар бир суҳбатда воқеаларга тарих фанининг ҳаққонийлиги ва халқчиллиги нуқтаи назаридан ёндашар ва уларни ҳаётий мисоллар билан тушунтириб берарди. Унинг ҳар бир суҳбатидан сўнг биз ўзимизни бутун бир асар ўқигандек ҳис этар эдик.

Ўзбек халқининг қадимги обидаларини излаб топишда ва уларни синчиклаб ўрганишда ҳамда уларни жонкуярлик билан муҳофаза этишда ўзининг улкан ҳиссасини қўшган забардаст аллома Яхё Ғуломовнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлига ва фандаги сермашаққат меҳнатларига назар ташланар экан, аллоларнинг «...Қийинчиликлардан қўрқмай, фанининг тошлоқ сўқмоқларидан тирмашиб чиқа олган кишиларги-

на унинг порлок ҳаёлидан ўтади. Дарҳақиқат, фан беихтиёр киши қийинчиликларни енгиш, тинимсиз сўқмоқларидаги қийинчиликларни енгиш, тинимсиз изланишлар туфайлини қозонди. У тарих фанлари док-чиликнинг эътибор профессор, Ўзбекистон Фанлар ака-тори даражасига, прий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат демиясининг ҳақиби унвонларига сазовор бўлди.

Кўрсатган фан арбоб ўзбек археологларининг кўпчилигига Яхё Фуломов Обидаларини тадқиқ қилиб, ўтмиш-моддий-маданият Обидаларини тиклашда археология фа-нинг тарихий саҳифаларини билиб олишни ўргатган ва нининг сиру асрор қамолот сари етаклаган бағри кенг уларни илм йўлида эди. Ўтмиш тўфонларида изи йўқо-устоз, ажойиб инсон эди. Ўтмиш тўфонларида изи йўқо-либ кетган тарих зарварақаларини жонлантирган устоз Яхё Фуломов ўз тадқиқотлари билан археология фани-нинг ҳамиша барҳаёт сиймоси сифатида яшаб қолади. Унинг маърифати ва авлодларига қолдирган илмий ме-роси эса боқийдир.

ОСОРИ АТИҚАЛАР САДОСИНИ ТИНГЛАБ

Баланд мансаб теңасида ҳам
Илм оширмоқ фикрини қил ҳар дам,
Мансаб билан баландмас одам
Мансаб одам билан муҳтарам.

Абдураҳмон Жомий

Устоз Яхё Фуломов бутун умри ва кўп йиллик сер-қирра илмий фаолияти давомида фақат археологик из-ланишлар ва илмий тадқиқотлар билан боғланиб қол-мади. Балки у Ватанимиз, Ўзбек халқи, унинг яратган бой ва қадимий ўтмишининг тарихи билан бевоcита боғ-лиқ бўлган ҳамда кенг кўламли синчиклаб ўрганиш осори атиқаларини уларни муҳофаза этиш, асраш каби билан бир қаторда, уларни бажаришда ўзини масъул деб умумбашарий ишларни бажаришда ўзини масъул деб билди. 1934 йилда Ўзбекистон осори атиқаларини му-ҳофаза қилиш комитети — «Ўзкомстарис»да ўз фаоли-ятини бошлаган Яхё Фуломов, то умрининг охиригача

дамларигача тарихий обидаларни, хусусан ер қаърида яширинган осори атиқаларни излаб топиш, уларни ҳисобга олиш, асраш ҳамда турли хил сабаблар оқибатида бузиб юборилиши тўғрисида қайғурди ва бундай ҳоллар содир бўлишининг олдини олиш йўлида фаол-лик кўрсатди.

Маълумки 60-йилларда Республикамизда авж ола бошлаган пахта якка ҳокимлиги устоз Яхё Фуломов-ни ҳам ташвишга солди, ҳам шошилтириб қўйди. Чунки пахта майдонларини кенгайтириш учун, бир томондан, жадал суръатлар билан янги ерларни ўзлаштиришга киришилди, иккинчи томондан эса, пахтачилик хўжалигида техникадан кенг фойдаланиш мақсадида пахта экиладиган пайкал (қарта)лар йирик-лаштирилиб экин далаларида қад кўтариб турган те-палар — осориатиқалар бузилиб пахта майдонларига кўшиб юборила бошланди. Бундай воқеаларнинг авж олишига йўл қўйилмаслик мақсадида Ўзбекистон Фанлар Академияси, Республика Маданият министр-лиги ҳамда қадимшунос олимлар жамоатчилиги та-шаббуси билан Ўзбекистонда тарихий ва моддий ма-даният ёдгорликларини муҳофаза этиш жамияти таш-кил этилди. Жамиятта Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг раиси Ёдгор Содиқовна На-сриддинова бошлиқ этиб сайланди. Жамиятнинг таъ-сис мажлисида юртимиз ҳудудида мавжуд тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш, ҳисобга олиш ва ўрганиш бўйича қатор муҳим қарорлар қабул қилин-ди. Олий жамоатчилик ташкилоти томонидан бундай қарорларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул этилиши қадимшунос олимлар жамоатчилигини, шу жумладан олимимиз Яхё Фуломовни ҳам, шубҳасиз, ниҳоятда руҳлантирган эди.

Ўша йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Та-рих ва археология институти қошида Яхё Фуломов ва В. А. Шишкинлар раҳбарлигида Ўзбекистон археология экспедицияси ташкил этилди. Унинг айрим қадимшу-нос гуруҳлари аввал Фарғона водийсида қад кўтарган қадимий шаҳарлардан Кува ва Ахсикат, Самарқандда Афросиёб, Қаршида Ерқўргон, Сурхондарёда Кўҳна Термиз, Тошкент воҳсида қадимги Қанқа ҳамда пой-тахтимизда эса Юнусобод Оқтепаси каби обидаларда

диқланиб, ҳатто техника воситалари Афросиёб устида туپроқ суриб ерни текислашга киришган ҳам эди, кутилмаганда булдозер сураётган туپроқ уюмлари орасида қадимий деворий расмларнинг айрим рангдор бўлак-лари кўза ташланиб қолади. Йўл қурилиши бўйлаб археологик кузатишлар олиб бораётган қадимшунос олим И. Ахоров зудлик билан ушбу участкада туپроқ суриш ишларини вақтинча тўхатиб, «Афросиёб хавф остида» деган мазмунда Яҳё Ғуломов номига Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Президиумига телеграм-ма жўнатади. Яҳё Ғуломов эса ўша кундаёқ Тошкентдан Самарқандга етиб боради. Афросиёб шаҳар харобалари бағрида бундай ноёб топилмаларнинг илк бор қайд этилиши Самарқандда намоён бўлаётган археологик кашфиётнинг белгиси бўлиб, бу тўғрида Республика ва вилоят раҳбариятларини хабардор қилиш ҳамда иложи борича қурилаётган йўл йўналишини ўзгартириш лозим эди. Устознинг Республика жамоатчилиги ҳамда раҳбарияти олдидаги обрў ва эътибори, қолаверса, Афросиёб ёдгорлиги ва қайд этилаётган топилмаларнинг кўп минг йиллик ўтмиш ва маданиятимиз тарихини ўрганишдаги моҳияти борасида қайта-қайта вилоят раҳбарлари билан бўлган суҳбат ва музокаралар ҳамда Яҳё Ғуломовнинг кўтарилган масалани ҳал этишдаги қатъийлиги туфайли Афросиёб устидан ўтказилаётган йўл шаҳар ташқариси томон буриб юборилди. Буни қарангки, янги йўл очиш учун туپроқ сурдирилаётган йўналиш остидан Афросиёбнинг VII асрга мансуб ажойиб тасвирий санъат обидаси — турли мазмундаги ранго-ранг деворий суръатлар галереяси кавлаб очилди. Замонамиздан қарийб ўн тўрт аср муқаддам яратилган тасвирий санъатнинг бу нодир намунаси ҳозирги кунда Самарқанд шаҳри тарихи музейининг экспозиция залларидан бирини безаб турибди. Шу тариқа Афросиёбда топилган VII аср тасвирий санъатининг ажойиб намунаси устозимизнинг фаоллик билан қилган саъй-ҳаракати туфайли сақлаб қолинди.

Қадимшунослик тадқиқотларининг тобора кенгайиб бориши, осори атиқаларнинг хилма-хил турлари қайд этилиб, ўрганилиши ва уларнинг илмий таҳлили аж-доллар қолдирган мероснинг қанчалик бой хазина эка-

нидан далолат бермоқда эди. Эндиликда маънавиятимиз тарихи тўғрисидаги бу меросга фақат тарғибот даражасида эмас, балки илмий жиҳатдан мумкин қадар, теранроқ ёндашмоқ лозим эди. Бунинг учун кейинги йилларда аниқ фанлар соҳасида эришилган энг илгор ва замонавий ютуқлардан қадимшунослик фанида ҳам фойдаланиб, қадриятларимизнинг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрнини белгилаб олмоқ зарур эди. Буни моҳиятини яхшигина англаган Яҳё Ғуломов Ўрта Осиё археологиясида биринчилардан бўлиб, моддий мала-



Х—XI асрларга оид фил суягидан ясалган нард соққа ва тошлари.
Бухоро шаҳри.


ният обидалари ва археологик топилмаларни кимёвий ва технологик усул ва воситалар ёрдамида тадқиқ қилишни тақлиф этди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология институти қошида ашёвий топилмаларни консервация ва реставрация қилиш ҳамда уларни кимё-технологик жиҳатдан тадқиқ этиш лабораторияси ташкил топди. Унга кимёгар-технолог олима Н. С. Гражданкина раҳбар қилиб тайинланди. Кейинчалик бу лаборатория маҳсуус бўлимга айлантирилиб уни А. Абдураззоқов бош-

қарди. Бу бўлим реставратор олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари ва амалий тажрибаларига суяниб, Қадимги Қува ёдгорлигида кавлаб очилган илк ўрта асрларга мансуб булда ибодатхонасидан топишган ҳайкаллар, Афросиёбнинг деворий расмлари, Қуванинг XI—XII асрларга оид ранго-ранг шиша буюмлари, Пойканднинг VIII аср дорихонасидан чиққан парфюмерия ва дори-дармонлар учун ясалган шиша идишлар, Бувад шаҳрида олиб борилган археологик қазувлардан топишган фил суягидан ясалган нард тошлари ва доналари каби нодир топишмалар консервация қилинди ва баъзилари қайта тикланди.

Ўша йилларда устоз Яҳё Ғуломовни Ахсикатда содир бўлган воқеа, айниқса, ҳайратга солган эди. Бунинг сабаби Фарғона диёрининг қадимги ва ўрта асрлардаги пойтахти бўлган Ахсикат ёдгорлигининг рабоб қисми ҳайдалиб пахта экилгани ҳақидаги нохуш хабар бўлди. Бу воқеанинг қанчалик тўғри эканини аниқлаб олгач, олим тўғридан-тўғри бу ҳақда Ёдгорликларни муҳофаза қилиш республика жамияти раисининг номига мактуб йўллади. Хатда осори атиқаларни муҳофаза этиш масаласи жойларда, айниқса, сушт ташкил этилгани, маҳаллий раҳбарларнинг бундай муқаддас ишга ўта лоқайдлик билан муносабатда эканини, Ахсикатдек жаҳон аҳамиятига молик ёдгорликнинг бир қисми ҳайдалиб, пахтазорга айлантирилгани, бундай воқеани маданият ва ўтмиш қадриятларини таҳқирлашдан ўзга ҳодиса эмаслиги таъкидланиб, буни олдини олиш учун қатор амалий вазифалар қаторида жазо чораларини белгилаш зарурлиги ва жавобгар шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилган эди. Ушбу шикоятномада қайд этилган маълумотни қанчалик ростлигини аниқлаш мақсадида раис ўринбосари Абдулла Иброҳимов бошлиқ махсус комиссия ташкил этилиб, Андижон вилоятининг Тўрақўрғон туманига юборилади. Орадан бир оз вақт ўтач, раиснинг даъвати билан биз 1967 йилнинг 6 март куни Республика Олий Советининг мажлислар залига тўпландик.

Йиғилиш Я. Ғуломовнинг мактубини ўқиб эшиттиришдан бошланди. Сўнгра комиссия раисига сўз берилди. Абдулла ака ҳаяжон билан жуда қисқа сўзлади.

Тўрақўрғонга борилгани, Ахсикат тепаси Шахан қишлоғи ҳудудида, ўз жойида тургани ва тепа устига пахта экилмагани ҳақида тапириб сўзини тутатди. Бироқ Ахсикатга юборилган маъмурлар ёдгорлик фақат тепаликдан иборат бўлмай, балки унга ёндошган рабобларнинг атрофи ўз даврида ниҳоятда обод бўлиб, боғроғлардан иборат эканини билмас эдилар. Хатто Андижон ҳукмдори Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома»сида Ахсикат тўғрисида «Дех кижо, дарахтон кижо, яъни шаҳарнинг қишлоғи қаерда-ю, боғ-роғлари қаерда» деб ёзган таърифига ҳам назарлари тушмаган экан. Афсус улар мутахассис эмасдиларда.



Мил. аввалги VIII—VI асрларга оид сопол идишлар ва уларнинг бўлаклари Навоий тумани, Қалқон ота (1977 й.).

Йиғилишда биринчилар қаторида сўзга чиққанлар Ёдгор Содиковна аввал ўзбек аёли, қолаверса, давлат арбобиغا ярашмайдиган ваҳоҳат билан халқимизнинг фахри бўлган аллома олим Яҳё Ғуломов шаънига таъна тошларини иргитиб, устоз мактубида қайд этилган аини ҳақиқатни бўҳтонга чиқаришга ҳамда булар «уй-

дирма» гаплар эканлигини ишботлашга ҳаракат қилдилар.

Сўзга чиққан масъуллар Я. Фуломовни кўрнамаликда айблаб, унинг хатти-ҳаракатини баҳолаш учун лексиконларида ибора топишмай мия қутилари тарс ёрилгудай ҳолатга кирганини айтиб, Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси алломани сиёсий кўрликда ва кўрнамаликда айбладилар...



Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих ва археология институти раҳбарияти йиғилишида йиллик натижалар ҳақида ўзаро фикрлашув.


Улар орасида фақат Азиз Қасимов Я. Фуломовнинг томонини ёқлаб, мактубда баён қилинган ташвишли маълумотлар фақат ўзбек олимнинг осори атиқалардек нодир қадриятларимизни муҳофаза қилиш ва сақлаш йўлида ўта жонбозлик билан қайғуриш деб тушуномқ лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун бу зоти шарифга танбёҳ бериб ранжитмай, балки аксинча бундай шарофатли фаолиятини қўллаб-қувватлаш керак деган илиқ сўзларни айтганда, Ё. Насриддинова нотиқни сўзини бўлиб, уни жерқиб ташлагани ва танбёҳ бергани ҳали-ҳали кечагидек кулоғимиздан кетмайд.

Йиғилиш якунида аввалдан тайёрлаб қўйилган қарор ўқиб эшиттирилди. Унда Я. Фуломов мактубида таъкид-

ланган археологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш, ўрганиш ва топишларни музефикация қилиш ҳамда ҳар бир ёдгорлик гирди бўйлаб ихота зоналарини белгилаш каби қатор бандлар қабул қилиш учун тавсиялар қайд этилди. Қарор қабул қилинган, Ёдгор Солиқовна Яҳё Фуломовга мурожаат назари билан боқиб, энди домла бу қарорни қандай қабул қилгайсиз деган саволга жавоб қуттиш билан йиғилишни тугатмоқ тарадудиди эди ҳам, устоз охишта ўринларидан туриб, олимона сиполик билан: Мухтарама Ёдгор Солиқовна! Мен нима ҳам дердим. Сизга йўланган мактубни Тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва асраш тўғрисида қабул қилинган ва сиз имзо чеккан қарорга риоя этган ҳолда ёзган эдим. Қолаверса, бугунги йиғилишда қабул этилган қарорни ҳам қозғаш қилиб кетмай, ҳаётда амалиётга жорий этилишини истардим дея охишта курсига ўтирди. Йиғилиш президиумидан жой олган масъулларнинг лавозими ва мавқеидан чўчимаёй айтилган бу ҳаққоний сўзлар, шубҳасиз, ўз касбига эътиمود, қадриятларга меҳр, фандаги фидойилик ва жонқуярлик кўрсатилган жасоратдан далолат беради. Бундай дадил айтилган ҳақ сўзларни тинглашни заботи кўтар олмаган марказком котиби Рафиқ Нишонов ўша ондаёқ ўрнидан диқ этиб туриб, залдан чиқар экан, ўтирган археологларга кўз қирини ташлаб — яхшиям домлангиз партиясиз, агарда унинг сафида бўлганида эди, сизларнинг барчангизни бир қарор билан ёппасига партия сафидан қувар эдик. Минг афсус... дея эшикдан чиқиб кетди. Дарҳақиқат, устозимиз Яҳё Фуломов партиясиз эди. Унинг бу «қусури» бизнинг жонимизга оро кириб, «огир жазо»дан «фориг этганди» ўшанда.

Дарҳақиқат, Яҳё Фуломов огир ва ниҳоятда камгап ҳамда мулоҳазали бўлишига қарамай илм-фан, хусусан тарихий қадриятларни асраш йўлида юзага келган лоқайлик, адолатсизлик ва қонунбузарликка чидаб тура олмасди. Юрагидаги бор гапни дадил айтар эди. Унинг бу «қусури» умрининг охирида унга панд берди. Гарчи у 1967 йилда Республика тарихий обидаларини муҳофаза қилиш жамиятига аввал ҳайъат аъзоси, кейинчалик археология секциясининг раиси этиб сайланган бўлса-да, у сеvimли археология тадқиқотларидан ҳамда оталарча меҳрибонлик билан тарбиялаб вояга

етказган ёш шогирдларидан ва ўзи асос солган мактабидан узоқлаштирилди. 1970 йилда Тарих ва археология институти иккига ажратилиб, очилиши Тошкентда режалаштирилган Археология институти Самарқанд шаҳрига кўчирилди. Масалани бу тарзда ҳал этилишига Яҳё Ғуломов мутлақо қарши турди, чунки ёши қайтаган устоз Самарқандга кўчиб бориши мушкул эди,



Яҳё Ғуломов илк тош даври ёлгорлиги Кўлбулоқ меҳмони (1962 й.).

кўчиб бормас ҳам эди. Чунки эндигина равнақ топаётган археология фани учун ўша даврда Самарқандда шароит хусусан илмий пойдевор, айниқса, салоҳиятли мутахассислар етишмасди. Ҳамма ишни қайтадан, яъни пойдевор яратишдан бошлаш лозим эди. Биз ёшлар эса Самарқандга йўл олдик, домла ўз қўшинидан айрилган саркардадек ёлғиз изтиробда қолди...

ЎҚИНЧЛИ АРМОНЛАР РЎЁБИ...

(сўнги сўз ўрнида)

Армонлар — орзулар рўёбидир,
гар бўлса содир сидқи дил бирла ҳаракат.
Армонлар рўёбга чиқсай
гар раҳнамолик қилса устоди
комил топиб баракаат.

Археологнинг кундалигидан

Академик Яҳё Ғуломов, ҳозирги кунда биз қарамлик ва турғунлик даври деб атаётган ўта мураккаб замонда яшаб ижод этди. Унинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятига назар ташланар экан, киши кўз олдида замонасининг забардаст ва бағри кенг буюк алломасининг сиймоси гавдаланади. Дарҳақиқат, у ўзининг кенг кўламли талқиқотлари, илмий асарлари ва тарбиялаб вояга етказган шогирдлари билан Ватанимизда тарих ва археология фанлари равнақида улкан ҳисса қўшди.

Ёшлигиданоқ ўз Ватани ва халқи тарихини чуқурроқ ва кенгроқ билиб олишга қизиққан ва бу йўлда астойдил бел боғлаган ҳамда умрини фанга бағишлаган Яҳё Ғуломов аввал ёзма манбалар ва этнографик маълумотларни ўрганишга ва уларни таҳлил қилишга киришган бўлса, кейинчалик тарихимизнинг ниҳоятда бойлиги ва жуда қадимийлиги унга аён бўла бошлагач, мазийнинг асосий хазиналаридан ҳисобланган озорри атиқаларни ўрганишга ҳаракат қилади. Ўз мақсадига эришмоқ учун у замонасининг йирик археолог олимлари Я. Ю. Якубовский, М. Е. Массон ва С. П. Толстовлар раҳбарлик қилган археологик экспедицияларда фаол қатнашиб, тажриба ортирди. Ўзбекистон тарихини кўп жилдли асарлар мажмуасини яратиш ва нашрга тайёрлаш, олий ва ўрта таълим ўқув юртлари учун қўлланма ва дарсликлар ёзишда фаол қатнашди ва уларнинг чоп этилишига раҳнамолик қилди.

Маълумки, Республикамизда ижтимоий-гуманитар фанлар орасида археология жуда ёш соҳа ҳисобланади. Қарамлик йиллари бошларида маҳаллий олимлар сафида бу фаннинг назарий ва илмий асосларини эгал-

лаган етук археологлар деярли етишиб чиқмаган, бори ҳам ҳаваскор даражасида эди. Тенгқурлари орасидан ҳаммадан аввал кенг қамровли тарихчи, шарқшунос ва қадимшунос олим бўлиб етишган биринчи ўзбек археологи Я. Ғуломов тарихимиз, маданиятимизу маънавиятимиз ва маърифатимизнинг чуқур идиллари жуда қадим замонларга бориб тақалишини яхшигина билиб олган эди. Тарихимизнинг илк саҳифаларини тиклаб, унинг зарварақларини тўлдиришда осори атиқаларнинг ягона манба сифатидаги моҳиятини ҳисобга олиб, иложи борича археологик тадқиқотларни кенгайтириш билан бир қаторда, бу соҳа олимларини тар-



Қадимги сугорилган ерларга яна бир назар.

биялаб вояга етказиш ишига катта аҳамият беради. На-тижада Республикамызда археология бўйича унинг мактабига асос солинди. Бу мактабда етишиб чиққан шо-гирдлари билан биргаликда ўзбек халқи ва Ватанимиз ўтмишининг энг долзарб масалалари: Ўзбекистонда иб-тидий маданият излари; сугорма деҳқончилик мада-ниятининг шаклланиши ва унинг ривожланишида ирригациянинг аҳамияти; Ўзбекистонда илк шаҳарлар-нинг қад кўтариши ва шаҳарсозлик маданиятининг та-раққиёт тарихи; Ватанимиз аҳолисининг қўшни мам-лакатлар халқлари билан олиб борган иқтисодий ва маданий алоқалари ҳамда ижтимоий ва иқтисодий та-раққиётдаги уларнинг аҳамияти каби тарихимизнинг энг ҳаётий воқеликлари тадқиқ этилди.

Устоз раҳбарлигида ёш археологларнинг Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қарши, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари бўйлаб олиб борган бетиним тадқиқотлари натижасида тош (палео-лит) даврининг турли босқичларига мансуб Кўлбулоқ, Обираҳмат, Хўжақат, Обишир каби ёдгорликларда иб-тидий одамзод манзилгоҳлари; Қизил Олмасой, Ка-вобий ва Қапчиғойда чақмоқ тош қуроллар яшаш уста-хоналари ҳамда Учтутда жаҳонда энг нодир бўлган нео-лит (янги тош) даврига оид қончилик шахталари (100 га яқин) каби ўта ноёб осори атиқалар; Сармишсой, Биронсой ва Такалिसой каби тоғ дараларида тоғ қояла-рига ўйиб ишланган қадимий тасвирий санъатнинг ажойиб галереялари; Замонбобо ва Сополитепаларда ибтидий деҳқон қишлоқлари топилиб қазиб ўрганил-ди. Ўша давр археологик тадқиқотлари туфайли Вата-нимиз ҳудудларида Ибтидий давр маданиятининг пай-до бўлиши милоддан аввалги 700—600 минг йиллик-ларда бошлангани аниқланиб, диёримизнинг Ибтидо-ий давр тарихи фанда 500 минг, яъни ярим миллион йилга қадимлаштирилди. Ўтроқ деҳқончилик мадания-тининг шаклланиши ва тараққиёти милоддан аввалги икки минг йилликда бошланиб, сугорма деҳқончилик қарийб 4000 йиллик тарихга эга экани илмий асослан-ди.

Афросиёб (Самарқанд), Шоштета, Оқтепа ва Қан-қа (Тошкент), Кува ва Ахсикат (Фарғона), Ерқўрғон (Қашқадарё), Пайканд, Варахша ва Бухоро арки каби


қадимги шаҳар харобаларида кенг қўламда ўтқазилган қазилар орқали Ватанимизда шаҳарсозлик маданиятини шаклланиб ривож топиши миллоддан аввалги биринчи йиллик бошларидаёқ содир бўлиб, бу иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараққиёт тарихи бир неча босқичга эга экани аниқланди. Археологик тадқиқотларда эришилган бундай натижалар, шубҳасиз, ўз даврининг улкан кашфиётлари бўлиб, тарих ва археология фанлари раўнақига қўшилган салмоқли ҳисса эди.

Ўз мактаби ва шогирдлари фаолияти ҳамда ютуқларидан мамнун бўлган Яҳё Ғуломовнинг тарих ва археология фанлари раўнақи йўлида орзулари кўп ва режалари ниҳоятда кенг эди. Уларни рўёбга чиқариш эса узоқ йилларга мўлжалланган. салкам миллион йиллик валамбор манбалар асосида аждодлар яратган қадимий тарихга эга бўлган диёр ва аждодлар яратган қадимий маданиятнинг тараққиёт босқичларини умумий манзари расини тиклаш лозим эди. Шу билан бирга унинг тадқиқот режаси узоқ давом этган бу тадқиқотий жараёнда диёримизнинг сугорма Шарқ, Туркий дунё ва Ислом оламида тутган ўрнини белгилаб, жаҳон халқлари яратган улкан цивилизацияга қўшган ҳиссаси каби ҳали фанда кўтарилмаган муаммолар устида изланишлар ва тадқиқотлар олиб боришни мўлжаллаган эди.



Ўйлар ва режалар (1970 й.).

Қадимда қарор топган жаҳоннинг машҳур бешта йирик давлатларидан иккитаси: Қанғ давлати ва Кушон империяси, ўрта асрларда эса Ғарбий турк хонлиги, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар салтанати каби буюк давлатларни барпо этган; Мухаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синодек машҳур мутафаккирларни вояга етиштириб, жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган, шунингдек, Имом ал-Бухорий, Исо Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин



Орзулар ва армонлар (1976 й.).

Қубро, Хожа Баҳонуддин Марғиноний каби улуғ ислом алломаларини камол топтириб, Ислом эътиқодини жаҳон динлари қаторига қўтарган тарихий воқелик, тасодиқий жараён бўлмай, балки узоқ ўтмишда халқимиз ҳаётида содир бўлган тадрижий тараққиётнинг меваси — у асрлар давомида бетиним ва машаққатли меҳнат воситасида шаклланган ўзига хос маданият, маърифат ва эътиқоднинг ҳамда юксак маънавиятнинг дурдоналаридир. Бундай қадимий ва юксак маънавиятга эга бўлган буюк Туркистон — ҳозирги диёримиз ва унинг меҳнатсевар халқи қандай сабаблар билан гоҳ Шарқ, гоҳ Ғарб ва гоҳ Шимолдан «ташриф

булорган» фотиҳлар асоратига тушиб, мустақилликни йўқотган ва асрлар давомида қарамлик, турғунлик ва тушқунликда яшаган деган саволлар бир умр Яхё Ғуломовнинг фикри-зикрини чулғаб, уни армонига айланган эди. Бироқ устоз Яхё Ғуломов бундай саволларга аниқроқ, рўйи-рост айта оладиган жавоб топишга улгурмади. Унинг режалари бузилиб, армонлари ушалмай қолди. Чунки маъмурий буйруқбозлик сиёсати ҳукмронлик қилган шароитда халқимизнинг ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ва маданияти билан тадқиқот йўлида турли хил тўсиқлар гов бўлиб турарди.

Шукроналар бўлсинки, мустақиллик туфайли ҳозирги кунда Президентимиз томонидан тарих фанига халқ маънавиятининг асоси сифатида баҳо берилиб, ёш ва билимдон тарихчилар авлодини тарбиялаб, вояга етказиш бўйича Давлатимиз миллий дастурининг қабул қилиниши Яхё Ғуломов армонларининг руёбга чиқиши эмасми? Шубҳасиз ҳозирги кунда устоз ҳаёт бўлганда кўнгил армонларини руёбга чиқа бошлаганини кўриб, ғоят шод бўларди.

Баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш каби ўта шарафли вазифа давлат дастури даражасида кўтарилган замонда Яхё Ғуломовга ўхшаган жонкуяр мураббийлар, Ислом Каримов сўзи билан айтганда «до-вюррак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди».

Яхё Ғуломовдек адолатни ҳамма нарсадан устун билган ватанпарвар олимларнинг ҳаёти ва улар томонидан яратилган илмий мактабларнинг фаолияти «Бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим».

МУНДАРИЖА

Волидам — устоди аввалим	4
«Намуна» мактаб-интернати кучоғида	7
Самарқанд таҳсили	11
Илк археологик изланишлар	18
Хоразм тарихи бой ўлка, бироқ	22
Бунда жамулжамдир юртим тарихи	29
Йўқолган Моҳондарё изидан	32
Сардоримиз эди	36
Устозни хотирлаб	39
Осори атиқалар салосини тинглаб	44
Ўкинчли армонлар рўёби	55

М 96

Мухаммаджонов Абдулахад

Яҳё Ғуломовни хотирлаб: (Ўқувчиларга устозимиз
хақида). — Т.: Шарқ, 2008. — 64 б.

ББК 63.4 г (5у)

ЯХЕ ГУЛОМОВНИ
ХОТИРААБ

